БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши
№ 46 (11.492).

24 февраль, чоршанба, 1960 йил.

Баҳоси 20 тийин.

ЛЕНИН ВАХТАСИДА

ИШ ҚИЗҒИН

Амударёда юк ташиш тобора қизғин тус олмоқда. Янгидан-янги кемалар ишга туширилмоқда. Шу кунларда жуда кўп теплоходлар Қорақалпоғистон АССР ва Хоразмга баҳорги экин кампанияси учун зарур бўлган юкларни вақтида ташиб бермоқда.

Ўрта Осиё пароходчилиги ходимлари Ленин кунлари шарафига мусобақани қизитиб, январь ойи планини анча ошириб бажардилар ва февраль топшириғини бажарай деб қолдилар.

ЗАВҚИНГИЗ КЕЛАДИ

Ленин кунларида Шаҳрисабз пахта тозалаш заводига кирсангиз, ишчиларнинг ғайрат билан ишлашини кўриб завқингиз келади. Мастер Жўрақул Раҳабов бошлиқ бригада аъзолари мусобақада олдинда боряпти. Улар январь ойида плондаги 426 тонна ўрнига 530 тонна тола ишлаб чиқарган бўлсалар, февраль ойида бундан ҳам кўпроқ тола чиқариш учун курашмоқдалар. Бозор Пардаев, Очил Самадов, Мария Панкратова сингари ўртоқлар ўз касбларини мукаммал ўрганиб олиб, смена топшириқларини 175—185 процентдан бажармоқдалар.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ФАБРИКА

Тошкентдаги 1-тикувчилик фабрикасининг чеварлари етти йиллигининг иккинчи йилини ҳам яхши бошлаб, январь ойи планини оширib бажардилар ва февраль планини бажарай деб қолдилар. Зокирова, Усмонова, Юсупова, Юнусова сингари ўртоқлар коллективининг фахридир.

САМИМИЙ ТАШАККУР

СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси СССР Қуролли Кучлари сонини яна анча қисқартириш тўғрисида қонун қабул қилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет корхоналари ва муассасаларининг ишчилари ва хизматчиларидан, колхозчилардан, олимлар, ўқитувчилар, врачлардан, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан, фан арбобларидан, студентлар, пенсионерлар, уйрўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллардан, партия ва жамоат ташкилотларидан, шунингдек чет эллардаги давлат арбоблари, сиёсий арбоблар ва жамоат арбобларидан, айрим кишилардан ва жамоат ташкилотларидан кўп миқдорда табрик телеграммалари ва хатлар олдилар ва ҳозирда ҳам олиб турибдилар. Телеграмма ва хатларда Совет Ҳукуматининг бу тадбири қизғин қўллаб-қувватланади ва дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентлари ҳамда ҳукуматларига мурожаат қилиниб, Совет Иттифоқидан намуна олиш—мавжуд қуролли кучларни қисқартириш йўлида амалий қадамлар қўйишга чақирилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Қуролли Кучларни яна қисқартиш тўғрисида СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қарорни маъқуллаб ва Совет Ҳукуматининг тинчликсеварлик сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб хат ва телеграммалар юборган меҳнаткашларнинг барча коллективларига, жамоат ташкилотларига ва айрим граждапларга, шунингдек чет эллардаги барча ташкилотларга ва шахсларга самимий ташаккур изҳор қиладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети — СССР Олий Совети Президиуми — ССР Иттифоқи Министрлар Совети

1960 йил 22 февраль.

ЁШЛАР, ЯНГИ КАТТА ИШЛАР САРИ!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Пленумидан

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари республикамиз ёшларига янги куч бағишлади, уларнинг ижодий ғайратини кучайтириб юборди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Пленумининг қатнашчилари ана шу ҳақда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришда йигит ва қизлар қандай қатнашаётганликлари, улар етти йилликни ва биринчи навбатда 1960 йил вазифаларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Докладчи — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов ва сўзга чиққанлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг VII Пленуми қарорлари комсомол ўзининг ташаббус ва ғайратини тобора кенгайтириши учун чексиз имкониятлар туғдириб берганлигини қайд қилиб ўтдилар.

Республика комсомол ташкилотининг муҳим вазифаси — ёшларнинг барча куч ва ғайратини бу йил пахта етиштиришни янада кўпайтириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, комплекс механизацияни жорий қилиш ва кўклам экин кампаниясини шайланиб кутиб олиш учун курашга сафарбар этишдан иборатдир.

Қишлоқ комсомоллари 1960 йилда деҳқончилик маданиятини кўтариш ва механизацияни кенг жорий қилиш учун юриш бошладилар. Республикада комсомол-ёшлардан иборат 1800 та трактор-далачилик бригадаси тузилади, квадрат-уялаб чигит экадиган 10 минг агрегатни комсомол-ёшлар бошқаради.

Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент область комсомол комитетларининг секретарлари Х. Воҳидова, Г. Долбинов, Т. Митус ўз сўзларида колхоз-совхоз комсомол-ёшлари кўкламга тайёргарлик ишларида: машина ва асбобларни ремонт қилиш, далага гўнг чиқариш, ернинг шўрини ювиш ишларида актив қатнашаётганлари ҳақида гапирдилар. Самарқанд областидаги колхоз-совхозларда комсомол-ёшлардан иборат тузилган махсус бригадалар ҳозиргача далага 350 минг тонналан ортиқ маҳаллий гўнг чиқардилар. Улар ҳар гектарга камида 13—15 тонна гўнг чиқариш ҳақидаги ўз ваъдаларини уддалаш учун астойдил курашмоқдалар. Сурхондарё область комсомоллари техниканинг ремонти ва сақланишини кўздан кечириш мақсадида февраль ойида оммавий рейд ўтказдилар. Рейд қатнашчилари жуда кўп камчиликларни аниқлаш билан бирга, бу камчиликларни дарҳол бартараф қилишда колхоз, совхоз ва РТС раҳбарларига амалий ёрдам бердилар.

Марказком пленумида кўпгина ёш илғор пахтакор ва чорвадорлар иштирок этди. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда янгидан-янги резервларни топиб ишга солаётганликлари ҳақида ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг иштирокчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Фарғона областидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи агроном С. Абдураҳимова, Янгиердаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси Р. Бегалиева ва бошқаларнинг сўзларини завқ билан тингланди. Ёш моҳир пахтакорлар бу йил гўзани кетмонсиз парвариш қилиш ва ҳар гектаридан 40—50 центнердан пахта ҳосили олиш учун интилмоқдалар.

Республика комсомоли пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ва ҳосилни машинада териш ишини ўз оталигига олди. Комсомол ташкилотлари механизаторлар тайёрлов ўқув юртлари ва курсларига 7 мингдан ортиқ йигит ва қизни юборади, 5000 механик-ҳайдовчини тайёрлайди ва малакасини оширади. Механизатор Турсуной Охунова механизатор кадрлар тайёрлаш, механизаторлар курслари ва мактабларида ўқиётганларга маданий-маиший шароит туғдириш масаласига кам эътибор бераётганликлари учун республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Тошкент область комсомол комитетини қаттиқ танқид қилди.

Ёш чорвадорлар бу йил 89 минг чўчқа, 125 минг қўён ва 1 миллион 250 мингдан зиёд парранда боқишга аҳд қилдилар. Чорвачилик фермаларига комсомол йўлланмаси билан қўшимча равишда яна 18 минг йигит ва қиз юборилади.

Аммо, пленумда уқтириб ўтилганидек, бир қанча комсомол комитетлари ўзлари чиқарган қарор ва олган мажбуриятларини бажаришга аҳамият бермайдилар. Масалан, Қорақалпоғистон АССР комсомоллари паррандачиликни ривожлантириш, Андижон областининг комсомоллари эса қўён боқиш юзасидан олган мажбуриятларини бажармадилар.

Жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашда комсомол ташкилотларининг ролини ошириш ҳақидаги масалада пленумда жиддий гап бўлди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Аҳмедова, республика милиция бошқармасининг бошлиғи А. С. Слонецкий, Охунбобоев районидаги «Фарғона» колхозида тузилган дружина командири М. Мўминов республика олий судининг раиси У. И. Иброҳимов ва бошқалар партия XXI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда жамоат тартибини муҳофаза қилишда меҳнаткашларнинг иштироки ҳақида» ва «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари ҳақида»ги қарорлари республика комсомол ташкилотидан ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришда пропагандаиинг хилма-хил формаларидан кўпроқ фойдаланишни, жамоат тартибини мустаҳкамлашда комсомолнинг ролини янада оширишни талаб қилиш тўғрисида гапирдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг секретари Н. Барков ўз сўзида шаҳарда жамоат тартибини сақлашда ўн мингдан ортиқ дружиначи комсомоллар актив иштирок этаётганликларини кўрсатиб ўтди.

Пленум эътироф қилдики, ВЛКСМ Марказий Комитети VII Пленумида тарбиявий ишлар соҳасида уқтириб ўтилган камчиликлар республика комсомол ташкилоти фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми республика комсомол ташкилотини, саноат корхоналари, колхоз-совхозлардаги барча йигит ва қизларни етти йилликнинг иккинчи йилида олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун янада кўпроқ ғайрат кўрсатиб ишлашга чақирди. Пленум комсомол ташкилотларида ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш, жамоат тартибини мустаҳкамлашда комсомолнинг ролини кўтариш тадбирларини белгилади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев қатнашди.

* * *

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми ташкилий масалани кўрди. В. Ф. Антонов ва Б. М. Мирахмедова бошқа ишга ўтганлари туфайли пленум уларни Марказий Комитет секретарлигидан озод қилди. Пленум М. П. Вишинскийни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари, С. А. Назаровни Марказий Комитет секретари қилиб сайлади.

ҚУЁШ ҲАВОНИ ИСИТСА, ДЎСТЛИК ҚАЛБНИ ИСИТАДИ

СУРАБАЙЯ (Шарқий Ява), 22 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Жокьякартадан самолётда Шарқий Яванинг марказий шаҳри Сурабайяга келди. Аэропортда совет меҳмони ва унинг ҳамроҳлари гоят самимий кутиб олинди. Шаҳарнинг деярли бутун аҳолиси Н. С. Хрушчевни табриклаш учун тўпланди. Аэропортдан тортиб шаҳар марказидаги стадионгача ҳамма йўлда Сурабайя ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг неча ўн минглаб аҳолиси Н. С. Хрушчевни ва президент Сукарнони табриклади. Шаҳар стадионида митинг бўлди.

Сурабайяда ўтказилган митингда
Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Губернатор жаноб олийлари!

Ҳурматли мэр жаноблари!

Қаҳрамон шаҳар Сурабайянинг ҳурматли граждапларн!

Азиз дўстлар!

Аввало, Совет Иттифоқи халқлари номидан сизларга ва сизлар орқали бутун индонез халқига энг самимий ва қизғин салом топширишга ижозат бергайсиз.

Сурабайя шонли революцион традициялар шаҳри сифатида ҳаммага маълумдир. 1945 йил 10 ноябрда худди шу ерда Индонезия халқининг мустамлакачиларга қарши қуролли кураши аланга олган эди. Бизда Сурабайяни қаҳрамон шаҳримиз Сталинград билан таққослайдилар, деб менга айтдилар. 1942—1943 йилларда Сталинград ёнида фашистлар Германиясининг сараланган қўшинлари тор-мор келтирилган эди. Бундай таққослаб кўришга асос бўлган нарса шуки, ана шу ҳар иккала шаҳар озодлик учун курашда сабот-матонат руҳини ифода этади. Бу руҳ халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлайди. Сизнинг ҳамшаҳрингиз, Индонезиянинг шонли фарзанди бунг Карно ана шу дўстликни икки курашчининг дўстлиги, деб жуда яхши атаган эди. Халқимиз орасида «Қуёш ҳавони иситса, дўстлик қалбни иситади» деган гап бор. Менинг фикримча, бу сўзлар Индонезия халқига ҳам яқиндир.

Биз бир-биримиздан у з о қ д а яшаймиз, кенг масофалар ва океанлар бизни бир-биримиздан ажратиб туради, лекин кўп ният ва фикрларимизнинг бирлиги бизни бир-биримиз билан яқинлаштиради. Сизларнинг Индонезия экономикаси ва маданиятини юксалтириш учун, Индонезия халқининг турмушини яхшилаш учун олиб бораётган курашингиз бизга яқин ва тушунарлидир. Иқтисодий мустақилликка эришиш йўли билангина, социал ислоҳотларни қатъий амалга ошириш йўли билангина курашиб қўлга киритилган сиёсий эркинликларни қаттиқ мустаҳкамлаш мумкин, чунки мустамлакачилик сиёсий жиҳатдан асорат остига олиш билан чекланиб қолмай, шу билан бирга, иқтисодий ва социал зулм ҳам демакдир. Экономикада мустамлакачиликнинг илдизларини юлиб ташлаш, мустамлакачиликнинг халқ хўжалигидаги позицияларини бутунлай йўқотиш ва миллий манфаатларни ҳисобга олиб, юксалиш йўлидан бориш — Индонезия олдида ва мустақил тараққиёт йўлига ўтган илгариги бошқа мустамлака мамлакатлар олдида турган қийин, лекин энг зарур ҳаётий вазифадир.

Совет халқи халқларнинг мустақиллик йўлидаги курашини қадрлайди ва ҳурматлайди, чунки совет халқининг ўзига империалистларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келган эди. Совет халқи ташқи ва ички душманларнинг ҳужумларига қарши олиб борилган оғир қонли жанглар ва курашларда ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, нурли коммунистик жамият барпо қилиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Шу сабабли Совет Иттифоқи Шарқ мамлакатларига маънавий ёки сиёсий жиҳатдангина эмас, балки йил сайин моддий жиҳатдан кўпроқ ёрдам беришга астойдил тайёрлир ва шундай ёрдамни кўрсатиб келмоқда. Совет Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасидаги дўстона иқтисодий ҳамкорлик ана шундай мисолларнинг биридир. Бу ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб боради: давлатимизнинг иқтисодий қудрати ўса борган сари кам тараққий этган мамлакатларга кўпроқ иқтисодий ёрдам бериш имкониятлари ҳам орта боради.

Совет халқи ҳозирги вақтда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг буюк етти йиллик планини амалга ошириш соҳасида фидокорона меҳнат қилмоқда. Биз бу планни бажариб, 1965 йилда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан АҚШ га жуда яқинлашиб қоламиз ва кейинчалик ундан, шубҳасиз, ўзиб кетамиз. Совет кишилари аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ҳам тарихан жуда қисқа вақт ичида дунёда биринчи ўринга чиқишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Совет Иттифоқи ўша пайтда халқнинг моддий турмуш даражаси дунёда энг юксак бўлган мамлакатга айланади.

Биз фан ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларида АҚШ дан ўзиб кетдик ва биринчиликни қўлдан бериш ниятида эмасмиз. Биз Ватанимизнинг ифтихори учун шу нарсани қайд қиламизки, совет кишилари биринчи бўлиб атом электростанциясини қурдилар ва Ернинг сунъий йўлдошини биринчи бўлиб вужудга келтирдилар, Қуёш атрофига ракета учирдилар, ўз ракеталарини Ойга чиқардилар, планеталараро станцияни учирдилар. Бу станция Ойнинг атрофини айланиб унинг кишиларга кўринмайдиган томонини суратга олди.

Биз яқинда совет фани ва техникасининг космосни ўзлаштириш соҳасидаги янги ажойиб муваффақиятининг шоҳиди бўлдик. Кучли ракета системаси муваффақиятли суратда учирилди ва синаб кўрилди. Бу система Қуёш системасидаги планеталарга учиш учун ва Ернинг оғир йўлдошларини учириш учун тайёрланмоқда. Кишининг мардона орзуларини амалга ошириш — Ой, Марс, Венера тўғрисида ва Қуёш системасининг бошқа планеталари ҳақида батафсил маълумот олиш пайти реал равишда яқинлаштирилди.

Биз билан АҚШ ўртасидаги тинч иқтисодий мусобақани узоқ масофага югуриш, деб тасаввур қилиш мумкин. Бизнинг олдимизда Қўшма Штатлар югуриб бормоқда ва бунга ажабланиб бўлмайди, чунки улар ана шу йўлга биздан олдин чиқиб олганлар. Образли қилиб айтганда, улар энди бутун кучларига зўр бериб, нафаслари тиқилиб югурмоқдалар. Ёш ва кучли чопқир — социалистик Совет Иттифоқи АҚШ га етиб олмоқда ва тез орада ундан ўзиб кетади!

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатининг асосий принциплари тинчлик ва барча халқларни ҳамда уларнинг миллий мустақил бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилишдан иборат. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар куч-қудратининг ўсаётганлиги халқаро вазиятнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатиб, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш имкониятини туғдирмоқда. Социалистик лагерь куч-қудратининг янада мустаҳкамланиши Шарқ мамлакатлари учун жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки улар энг вафодор ва энг содиқ дўстларнинг ёрдамига янада кўпроқ таяна оладилар.

Совет-Индонезия дўстлиги асосий халқаро проблемада — тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда халқлар ўртасида хавфсизлик проблемасида қарашларимизнинг бирлигига асосланади. Бизнинг халқларимиз агрессив блокларга қарши, НАТО, СЕАТО ёки СЕНТОга қарши бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар. Ана шу агрессив блокларнинг фаолияти ер юзида вазиятни кескинлаштиришнинг асосий манбаларидан биридир. Биз мустамлакачиликни узил-кесил тугатиш учун биргаликда ҳаракат қилмоқдамиз, атом ва термоядро қуролини тақиқлашни ва бу қуроллар синовларини тўхтатишни биргаликда талаб қилмоқдамиз, барча низоли халқаро проблемаларни тинч воситалар, музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишни биргаликда ёқлаб чиқмоқдамиз.

Бизнинг дўстлигимиз ҳеч кимга таҳдид қилмайди ва бирор учинчи давлатга қарши қаратилган эмас. Президент Сукарно кунларнинг бирида бундай деди: «Индонезия ва совет байроқлари ёнма-ён туриб ҳилпиллаётганлиги қандай гўзал манзара эканлигига бир назар солингиз. Прогрессив мамлакатларнинг ҳамма байроқлари бирга ҳилпиллаб турса ва барча мамлакатлар ўзаро ҳамкорлик қиладиган бўлсалар, у ҳолда империализм ва мустамлакачилик емирилади, барча мамлакатларнинг халқларига равнақ топиш ва бахтли ҳаёт йўли очилади». Бу ажойиб сўзларга тамомила қўшиламан.

Дўстлар!

Кейинги йилларда тинчликсевар халқларнинг зўр ғайрат билан ишлаши натижасида халқаро кескинлик анча юмшади. Аммо, хотиржам бўлмоқ учун ҳали фурсат бор. Баъзи мамлакатларда халқаро кескинликни сақлаб қолиш ва, ҳатто, авж олдиришдан ўзлари учун манфаат кўраётган таъсирли доиралар ва группалар ҳали ҳам борлигидан кўз юмиш ярамайди. Тинчлик душманларининг жиноий ниятларини барбод этмоқ учун тинчликсевар мамлакатлар ва халқларнинг бирлик фронтини янада мустаҳкамлаш зарур. «Совуқ уруш» ва зўр бериб қуролланиш тарафдорлари ана шу кучга бардош беролмайди.

Ҳозирги пайтда, инсоннинг ижодий фикри гоят юксалган, маданият, фан ва техника мисли кўрилмаган чўққиларга эришган бир даврда, ер юзида тинчлик ўрнатиш, турли социал системадаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш ҳаётнинг энг зарур талаби бўлиб қолди.

Аммо, бизда айтганларидек, қўшни қўшнисига нисбатан қора ният билан юрадиган вазият сақланиб қоладиган бўлса, бу мақсадга эришолмаймиз. Шу сабабли ер юзида армияларсиз ва қурол-яроғсиз ҳаёт барпо қилиш — ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси, ҳамма вазифаларнинг энг муҳими, деб ҳисоблайдиган Совет Иттифоқи ҳукумати 1959 йил сентябрь ойида барча қуролли кучларни тарқатиб юборишни ва барча оддий қурол-яроғларни, шунингдек ядро ва ракета қуролини тугатишни кўзда тутган таклифни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг муҳокамасига тақдим этганлиги сизларга яхши маълум. Бунинг устига биз бу йўлда ўз ташаббусимиз билан жиддий қадам қўйдик. СССР Олий Совети яқинда Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари сонини яна анча қисқартириш тўғрисида Қонун қабул қилди. Бу Қонунга мувофиқ, Совет Армияси сафидан 1 миллион 200 минг киши бўшатилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Совет Иттифоқи ўз қуролли кучларини 1955 йилдан бошлаб учинчи марта қисқартирмоқда. Совет кишилари Ғарб мамлакатларига мурожаат қилиб, шу гапларни айтмоқдалар: «Қуролсизланиш тўғрисида бамаслаҳат бир қарорга келайлик, уруш бўлишига йўл қўймаслик учун ҳамма чорани кўрайлик, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни кўпайтириш соҳасида эмас, балки уруш олиб бориш воситаларини қисқартириш ва тугатиш соҳасида мусобақа қилайлик».

Шу нарсани ҳурсандчилик билан айтиб ўтаманки, Совет ҳукуматининг тинчликсеварлик йўлидаги бу тадбирларини бутун дунёдаги оддий кишилар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар, шу билан бирга Ғарб мамлакатларидаги кўпгина давлат ва сиёсий арбоблар ҳам бу тадбирларга ижобий баҳо бердилар. Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпчилиги совет халқининг тинчлик йўлида зўр бериб қилаётган ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлаётганлиги бизларни қувонтирмоқда. Бу ҳаракатларни Индонезия Республикасининг халқи ва ҳукумати қўллаб-қувватлаётганликларига биз жуда ҳурсандмиз.

Азиз дўстлар! Пировардида бир неча тилагимни айтмоқчи эдим. Бизлар бир-биримизни яхшироқ билмоғимиз керак. Мамлакатларимиз халқларининг дўстлигидан манфаатдор бўлмаган учинчи давлат намоядаларининг бизларнинг тўғримизда ва сизларнинг тўғрингизда гапирадиган ортиқча гапларга ва кўпинча атайин айтилган ёлғон гапларга камроқ ишониш керак. Бизнинг дўстлигимиз баъзи бировларга сира ёқмайди. Келинг қардошлик муносабатларимизни мустаҳкамлайлик. Бизлар тез-тез борди-келди қилиб туришимиз, ҳаётни ўзимиз кўришимиз, ҳамма нарсани ўз кўзимиз билан кўриб баҳо беришимиз керак. Сизларнинг вакилларингиз бизга кўпроқ келиб турсинлар, совет халқининг вакиллари эса сизларга тез-тез бориб турадилар. Сизларнинг олимларингиз, инженерларингиз ва ишчиларингиз, қишлоқ хўжалик мутахассисларингиз ва деҳқонларингиз, маданият арбобларингиз бизга қанчалик кўпроқ келиб турадиган бўлса, совет кишилари эса Индонезияга қанчалик кўпроқ келиб турадиган бўлса, бизнинг ўзаро тажрибамиз шунчалик кўпроқ бойитилади.

Танининг қайси рангда бўлишидан, диний эътиқодидан, қайси жойда яшашидан қатъи назар ҳамма халқлар бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг тўпланган тажрибасидан фойдаланишлари лозим. Ҳамма халқлар яхши ва бахтиёр ҳаёт кечиришни истайдилар, тинчлик бўлишини хоҳлайдилар. Агар уларнинг куч-ғайрати тобора кўпроқ бирлаштирилса, у ҳолда инсоният техника, фан ва маданият зўр куч билан ривожланаётган ҳозирги вақтда ер юзида мустаҳкам тинчлик ва бахт-саодатни таъминлай олади.

Сизлар бизнинг делегациямизни жуда яхши кутиб олмоқдасиз. Бизлар Совет Иттифоқи вакилларига юз минглаб кишилар пешвоз чиқаётганлигини кўрганимизда қалбимиз қувонч билан тўлиб-тошмоқда. Совет Иттифоқига борадиган сизнинг ҳар бир делегациянгиз ҳам самимий ва ҳурсандлик билан кутиб олинишига амин бўлишингиз мумкин. Биз сизларнинг вакилларингизга ҳамма нарсани, улар қизиққан ҳамма нарсани кўрсатамиз, уларни ўз биродарларимиз деб билиб, ҳеч нимани яширмаймиз ва ҳеч нарсага мажбур қилмаймиз. Улар бизларга меҳмон бўлиб келганларида кўп нарсани кўрадилар ва билиб оладилар. Совет мамлакати тенг ҳуқуқли 15 иттифоқчи республикадан иборат. Ўз иқлими, миллий урф-одатлари ва ўз табиий бойликлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи бу республикаларда 100 дан ортиқ миллат ва халқлар ягона қардош оила бўлиб яшамоқдалар. Мен билан бирга сизларга меҳмон бўлиб келган кишиларни олиб кўрайлик. Маданият министри Михайлов, иқтисодий алоқалар комитетининг раиси Скачков ва бошқа кўпгина ўртоқлар — руслар. СССР Ташқи ишлар министри Громико — белорус, Чет эллар билан маданий алоқа комитетининг раиси Жуков—украин; Озарбайжон Республикаси Ташқи ишлар министри Тоирова — озарбайжонлик; СССР Олий Совети депутати Ўлжабоев — тожик. Ҳамроҳларим орасида грузинлар, арманлар ва бошқа халқларнинг намояндалари бор. Халқларимизнинг ҳар қайсисидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Ҳар бир халқ ўз тажрибасини дўстлар билан баҳам кўришга тайёрдир, бизнинг кишиларимиз сизлардан ва бошқа халқлардан хурсандчилик билан таълим оладилар.

Ҳамма халқлар олдида турган энг муҳим вазифа — тинчлик учун курашдир. Уруш чиқишига йўл қўймаслик, одамларнинг тобора яхшироқ ҳаёт кечиришлари учун ҳамма чорани кўриш — уларнинг умумий тилагидир.

Азиз дўстлар! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқларини бирлаштириб турган дўстлик алоқалари кун сайин тобора мустаҳкам ва барқарор дўстлик бўлиб боради, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Ягона ва кучли Индонезия Республикаси мустаҳкамлансин ва яшнасин!

Яшасин Совет-Индонезия дўстлиги!

Ер юзида мустаҳкам тинчлик учун, ҳамма халқларга тинчлик ва бахт-саодат учун!

(Н. С. Хрушчевнинг нутқи узоқ давомли гулдурос қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди. Нутқ тамом бўлгандан кейин гулдурос овация бошланади, «Хидуп Хрушчев! — Яшасин Х р у ш ч е в!, «Ура!» хитоблари эшитилади).

Франция миллат мажлиси депутатлари шарафига зиёфат

22 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова Франция Миллат мажлисининг раиси Жак Шабан-Дельмас бошчилигида республикада меҳмон бўлиб турган Миллат мажлиси депутатлари группаси шарафига зиёфат берди.

Самимий ҳамда дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Ё. С. Насриддинова ва Жак Шабан-Дельмас нутқ сўзладилар.

Зиёфатда СССР Парламент группаси Раисининг ўринбосари И. А. Баиров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. Ю. Азимов, СССР Олий Советининг депутатларидан С. В. Стефаник, С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. В. Бабков, Республика Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси Б. Г. Мирзабеков, республика министрларидан С. Иброҳимов, С. М. Муҳамедов, В. С. Содиқова, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Маърупов, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ж. Тожиевалар ҳозир бўлдилар. Меҳмонлар орасида Тошкент уй қуриш комбинати қурилишида қатнашган «Камью» фермасининг директори П. Тесье бошчилигидаги француз мутахассисларидан бир группаси ҳам бор эди.

Зиёфат вақтида Ўзбекистон санъат усталари томонидан концерт берилди. Меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим қилинди.

* * *

Франция Миллат мажлиси депутатлари группаси Ўзбекистонда бўлган охирги куни — 23 февраль эрталаб Тошкент тўқимачилик комбинатини бориб кўрди.

Тушдан кейин Франция Миллат мажлиси раиси Жак Шабан-Дельмас бошчилигидаги Миллат мажлисининг депутатлари группаси ва уларга ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар Тошкентдан Тбилисига жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИННИНГ ТУРКИСТОНГА ҒАМХЎРЛИГИ

РАДИОГРАММАЛАР

1919 йил 18 августда Туркистон фронти тузилиб, унга қўмондонлик қилиш М. В. Фрунзега топширилган эди. Бу фронтга Колчак қўшинларининг сўл қанотидаги группировкаларни тор-мор келтириш, Оренбург, Орск, Актюбинск шаҳарларини оқгвардиячилардан озод қилиш ва Туркистонни Совет Россиясига қўшиш асосий вазифа қилиб қўйилган эди. 30 августда Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе Туркистон томонидаги Колчак армияларини тор-мор келтириш юзасидан қўшинлар олдига конкрет вазифа қўйиб, буйруқда мана бундай деб кўрсатган эди: «ЯҚИН КУНЛАР ИЧИДА ОРСК ВА АКТЮБИНСКНИ ИШҒОЛ ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК». Шундай қилиб, Туркистонни Совет Россиясининг маркази билан боғлайдиган темир йўлни душманлардан яқин вақт ичида тозалаш учун реал имконият туғилди. Шу вақтда В. И. Ленин қуйидаги радиограммани юборган эди:

Тошкент Ижроия Комитетига В. И. Ленин радиограммаси копияси — барча темир йўлчиларга

1114

1919 йил 30 август.

Яқинда Совет Туркистонининг Совет Россиясига қўшилиши муносабати билан темир йўлнинг барча паровоз ва вагонларини ремонт қилишга бутун кучни дарҳол сафарбар қилиш зарур. Шу сабабдан Мудофаа Совети ҳамма депо ва мастерскойлардаги барча кучларни сафарбар қилишни тавсия қилади. Туркистон ва Россиянинг иқтисодий ҳаётини яхшилаш учун Революциянинг ва Қизил Армиянинг ғалабаларидан фойдаланиш керак. Қизил Туркистонга салом!

Мудофаа Советининг Раиси ЛЕНИН.

* * *

Тошкентга радиограмма 1918 йил 23 июль.

Тошкент, Халқ Комиссарлари Совети.

Тошкентнинг ва Туркистон ўлкасининг сиёсий ҳамда иқтисодий аҳволи тўғрисида хабар қилинг. Мунтазам суратда хабар қилиб турилсин — Москва, Халқ Комиссарлари Совети.

Халқ Комиссарлари Советининг Раиси ЛЕНИН.

„ОҚ ОЛТИН“ МЎЛ-КЎЛ БЎЛСИН ДЕБ...

Ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши натижасида бутун қишлоқ хўжалигига, шу жумладан пахтачиликка катта зарар етказилган эди. Пахта етказиб беришда узилишлар бўлаётганлиги сабабли, мамлакатимизнинг тўқимачилик саноати оғир аҳволга тушиб қолган эди.

Шу оғир йилларда пахтачиликни тиклаш муҳим масала бўлиб қолди. Владимир Ильичнинг ташаббуси билан, Туркистон ва Озарбайжонда пахтачиликни тиклаш тўғрисида Халқ Комиссарлари Советининг махсус қарори қабул қилинди.

Қуйида Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин томонидан 1920 йил 20 ноябрда имзоланган қарори босилади.

ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Туркистон ва Озарбайжон С. С. Республикаларида пахтачиликни тиклаш мақсадида Халқ Комиссарлари Совети **қарор қилади:**

I. РСФСР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) Пахта экиш билан шуғулланувчи хўжаликларнинг (коллектив ва якка хўжаликларнинг) ердан ва сувдан фойдаланишлари тўғрисида Низом икки ҳафта муддат ичида тузиб чиқилсин ва Туркистон ҳамда Озарбайжон С. С. Республикаларининг тегишли халқ комиссарликлари билан келишиб туриб, 1921 йилнинг 1 январидан кечиктирмай амалга оширилсин.

б) Пахта районларидаги ҳамма совхозларда ва колхозларда мажбурий алмашлаб экиш киргизилсин, бу алмашлаб экишда пахта кўпчиликни ташкил қилсин.

в) Илгари ишлаб келган тажриба далалари ва селекция станциялари тиклансин ва янгилари ташкил қилинсин.

г) РСФСР территориясида бўлган чигитларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниб, экиш учун асраб қўйилсин ва Ташқи Савдо Халқ Комиссарлиги экиш учун керакли чигитларни чет мамлакатлардан ўз вақтида олиш учун шошилинч чоралар кўрсин.

II. Йўллар Халқ Комиссарлиги Ер Ишлари Халқ Комиссарлигининг нарядларига мувофиқ чигитларни 1921 йил 15 январдан кечиктирмай тегишли пахта районларига етказиб бериш чораларини кўрсин.

III. Халқ Хўжалиги Олий Совети ва унинг маҳаллалардаги органлари ирригация иншоотларини тартибга солиш йўлидаги биринчи галда қилинадиган ишларнинг ҳаммасини 1921 йилнинг кўкламигача битказсинлар.

IV. Пахтакор хўжаликларни қишлоқ хўжалик асбоблари ва ўғитлар билан биринчи галда таъминлаш мажбурий тадбир қилиб қўйилсин.

V. Халқ Хўжалиги Олий Совети Озиқ-овқат Халқ Комиссарлиги ва Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги билан келишиб туриб, пахтакорларни зарур буюмлар билан таъминлаш планини ҳамда уларни рағбатлантириш чоралари схемасини бир ой муддат ичида тузиб чиқсин ва шунга яраша саноат моллари фонди ажратсин.

VI. Йўллар Халқ Комиссарлиги пахтакорлар учун белгиланган ҳамма буюмларни иш бошланмасдан бурун камида бир ой олдин, пахтакор районларга ўз вақтида элтиб бериш тадбирларини кўрсин.

VII. Туркистон ва Озарбайжон С. С. Республикаларида Халқ хўжалиги Марказий Совети топширилган чигитли пахта эвазига шартнома асосида маҳсулот алмаштириб бериш, аҳолини озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлашни уюштирсин.

VIII. Пахтакорлик, пахтани дастлабки ишлаш ва ирригация билан шуғулланадиган муассасалар ва корхоналар милитаризация қилинсин.

IX. Пахтачилик соҳасида ишлаган мутахассисларнинг ҳаммаси, ҳозир қандай муассасада ва маҳкамада ишлаб турганига қарамай, сафарбар қилинсин ва Халқ Хўжалиги Олий Совети ҳамда Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги ихтиёрига берилсин.

X. Ушбу қарорда кўрсатилган комиссарликларга қарорнинг амалга оширилишини назорат қилиб турмоқ учун Главтекстиль ҳузурида ўртоқ Ногин кўрсатмасига мувофиқ мунтазам кенгашмалар ташкил қилиш топширилсин.

Ўртоқ Ногин икки ҳафтадан кейин Халқ Комиссарлари Советида доклад қилсин.

Халқ Комиссарлари Советининг Раиси

В. УЛЬЯНОВ (Ленин)

Москва шаҳри, Кремль, 20/XI—20 йил.

Туркистон делегацияси Владимир Ильич Ленин қабулида. В. И. ва Л. И. Уфимцевлар чизган сурат.

БУТУН РОССИЯ МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1919 йил 8 октябрь

Бутун Россия Ишчи, Деҳқон, Қизил аскар ва казак депутатлари Советларининг Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети:

1. Қизил Армиянинг галабаси туфайли Қизил Туркистон билан жаҳон революциясининг ўчоғи бўлган Совет Россиясининг қолган қисми ўртасида алоқа ўрнатилаётганлигини ва Россия меҳнаткашларининг Туркистон халқлари билан иттифоқи мустаҳкамланаётганлигини;

2. Бу иттифоқ Туркистонда Россия империализмининг барча қолдиқларини батамом тугатишнинг гарови ҳамда чет эл золимларининг ҳар қандай уринишларига қарши ҳимоя таянчи эканлигини;

3. Туркистон халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳамда ҳар қандай миллий тенгсизликнинг ва бир миллий группанинг бошқа бир миллий группа ҳисобига бўлган имтиёзларининг йўқ қилиниши Россия Совет ҳукумати юргизаётган бутун сиёсатнинг асоси эканлигини ва унинг органларининг барча ишларида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилишини, фақат шундай иш олиб боргандагина Туркистондаги туб меҳнаткашлар оммасининг Россия ишчи ва деҳқонларига нисбатан ишончсизлик билан қарашини, рус чоризмининг кўп йиллик ҳукмронлиги натижасида вужудга келган ана шу ишончсизликни узилкесил бартараф қилиш мумкинлигини назарга олиб, қарор қилади:

Ш. З. Элиава (раис), М. В. Фрунзе, В .В. Куйбишев, Ф. Голощекин ва Я. Э. Рудзутак ўртоқлардан иборат составда Туркистон ишлари бўйича комиссия тузилсин, бу комиссияга Туркистон ва у билан чегарадош бўлган давлатлар доирасида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг вакили сифатида улар номидан иш кўришга ваколат берилсин; бу комиссия шу қарорнинг 3-пунктида баён қилинган асосларнинг амалга оширилишига ёрдам қилсин.

(Имзо)

Асл нусхасига имзо қўйганлар:
Бутун Россия МИК раиси ўчун
Халқ Комиссарлари Советининг
Раиси **В. Ульянов (Ленин)**
Бутун Россия МИК секретари
(В. Аванесов)

Туркистон комиссияси 1919 йил 4 ноябрда Тошкентга етиб келди. В. И. Ленин комиссия аъзоларидан Туркистон коммунистларига қуйидаги хатни юборган эди.

ТУРКИСТОНДАГИ КОММУНИСТ УРТОҚЛАРГА

Ўртоқлар! Менга Халқ Комиссарлари Совети ва Мудофаа Совети Раиси сифатида эмас, балки партия аъзоси сифатида сизларга мурожаат қилишга рухсат этингиз.

Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Мен сизлардан бу масалага айниқса эътибор беришингизни, — Туркистон халқлари билан амалда ўртоқларча муносабат ўрнатиб намуна кўрсатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни, — бошида Британия империализми турган жаҳон империализмига қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганлигимизни уларга иш билан исбот қилишингизни — бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашингизни ва унинг директивларига, яъни худди шу рухда унга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети томонидан берилган директивларга қаттиқ риоя қилишларингизни сизлардан жуда илтимос қиламан.

Агар сизлар менинг шу хатимга жавоб берсангиз ва масалага қандай қарашингизни билдирсангиз, мен жуда миннатдор бўлар эдим.

Коммунистик салом билан

В. Ульянов (Ленин)

ЛЕНИНДАН ТЕЛЕГРАММА

1918 йил 12 июлда эсерлар Ашхободда Советларга қарши исён кўтардилар, Закаспий областининг Совет комиссарлари, область партия ташкилотининг раҳбарларини қамоққа олдилар, «Закаспий ҳукумати» деб аталган контрреволюцион ҳукумат туздилар ва Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасига қарши янги фронт очдилар. Туркистон контрреволюцион фронтлар қуршовида қолди: Шимолда атаман Дутовнинг оқ казаклари, шимолий-шарқда Еттисув казаклари, Шарқда, Фаргона водийсида босмачилар, жанубда инглиз босқинчиларининг ёрдами билан эсерлар ва оқгвардиячилар ҳаракат қилмоқда эди. Бу оғир кунларда Туркистон Марказий Ижроия Комитети юз берган вазиятни телеграф орқали В. И. Ленинга маълум қилди. В. И. Ленин қуйидаги телеграмма билан дарҳол жавоб берди:

Тошкент, Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раисига телеграмма

1918 йил 17 июль.

Сизларга ёрдам бериш учун мумкин бўлган барча чораларни кўрмоқдамиз. Полк юборамиз. Чехословакларга қарши кескин чоралар кўрмоқдамиз ва уларни мажақлаб ташлашимизга шубҳа қилмаймиз. Руҳингизни туширманг, Красноводск ва Боку билан доимий ва мустаҳкам алоқа боғлашга бор кучингиз билан ҳаракат қилинг.

Халқ Комиссарлари Советининг Раиси ЛЕНИН.

Пролетар қизил байроғи қўлимизда абадий сақланади

Ленин Совет Шарқидаги халқларнинг экономикаси ва маданиятини яратишга жуда катта эътибор берган эди. Ленин 1919 йилнинг кузида «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган мактубида Туркистон коммунистларининг асосий вазифаларини таърифлаб берди ва уларни Россия Федерацияси ўлкаси билан тўғри муносабатлар ўрнатишга чақириб, бундай муносабат ўрнатиш жуда зўр, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга, деб ҳисобларди.

Самарқанд меҳнаткашларининг ҳам Владимир Ильич Ленин билан ёзишмалари катта муҳаббат ва самимий ҳарорат билан суғорилгандир. Самарқандликлар меҳнаткашларнинг доҳийси ва устози номига кўплаб хат, телеграмма ва табриклар юборишган эди. Булардан улар Ленинга ўзларининг ният ва мақсадларини билдириб, доҳийдан маслаҳатлар сўраган эдилар.

1918 йилнинг августида Ленинга суиқасд қилинганлиги ҳақидаги оғир хабар Тошкент, Самарқанд ва Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларга етгач, ҳамма жойда кўп кишилик митинглар, меҳнаткашларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Жиззах ижроия комитетининг шошилинч йиғилишида резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда **«буржуазия ва уларнинг думлари бўлган шахслар, яъни пролетар баданига тушган паразитлар томонидан»** Ленинга суиқасд қилинганлиги тўғрисидаги телеграф хабарини муҳокама қилиб, ижроком **«капитализмга террор эълон қилади ва меҳнаткаш халқнинг доҳийсига суиқасд қилган шахсларга ўлим талаб қилади»** дейилган эди.

НЭПнинг бошида ўртоқ Бадаев Ленин томонидан Ўрта Осиёга юборилди. У Самарқандда узоқ вақт бўлди. Ана шу вақтда Самарқанд партия ташкилотининг бир группа коммунистлари Москвага қизғин руҳда ёзилган хат юбордилар. **Қадрли Ильич** дейилган эди хатда, — **узоқ ердан, лекин яқин дўстлардан қизғин салом қабул қилинг. Улуғ доҳийимиз ва устозимиздан бизга бевосита хабар аҳён-аҳёнда келиб туради.**

Бизни ҳаяжонлантираётган масалаларнинг ҳаммасини билиб олишга баъзан қийналиб қоламиз, шундай дамлар бўладики, тараша ўрмонни кўрсатмай қўяди. Лекин зўр куч-ғайрат ва шавқ-завқ билан олға интилмоқдамиз..

Ўртоқ Бадаев бизни Питр ва Москвадаги оғир аҳвол билан таништирди. Қизил пойтахтга кучимиз етганча ёрдамлашишни биз ўзимизнинг энг яқин кундаги вазифамиз қилиб қўйдик. Биз буни бажарамиз».

Туркистон республикаси Халқ Комиссарлар Советига ва Озиқ-овқат халқ Комиссарлигига юборган жавоб телеграммасида Ленин бундай деб ёзган эди:

«Ўлкангиздан эндигина қайтиб келган ўртоқ Бадаев маҳаллий ўртоқларнинг уни қандай яхши кутиб олганлари ва Москва ҳамда Питр ишчиларининг ишига қандай самимият билан қараганларини менга сўзлаб берди.

Мендан барча маҳаллий ўртоқларга чуқур ташаккур билдиришингизни ва бундан кейин ҳам пойтахт ишчиларига озиқ-овқат етказиб беришда жуда ғайрат билан ва ҳартарафлама ёрдам кўрсатишларини сўраганлигимни айтишингизни жуда илтимос қиламан.

Аҳвол оғир. Ҳартарафлама ёрдамлашиш керак. Сизларнинг қўлингиздан келган ҳамма чораларни кўришингизга ишонаман.

Коммунистик салом, йўллаймаман.

В. Ульянов (Ленин)».

1923 йилнинг декабрида Владимир Ильич Ленин бетоб бўлиб қолди. Бутун дунё меҳнаткашларининг севикли доҳийси ва устозининг сиҳат-саломатлиги учун ташвишланган самарқандликлар унинг номига телеграмма юбордилар. Телеграммада бундай дейилган эди: **«Биз шаҳар Советининг депутатлари ССРнинг жуда олис жойида туриб, бизни сайлаган ишчи ва деҳқонлар номидан айтамизки, Самарқанд ишчи ва деҳқонлари коммунистик революциянинг пролетар қизил байроғини ўз қўлларида абадий сақлайдилар».**

Ю. АЛЕСКЕРОВ.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетининг доценти.
Самарқанд шаҳри.



Владимир Ильич Ленининг депутатлик дафтарчаси.

ТУРКИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАЪСИС ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ ДЕКРЕТИ

Халқ Комиссарлари Совети қарор қилди:

1. Тошкент шаҳрида Давлат университети таъсис қилинсин.

2. Туркистон Давлат университети РСФСР Маориф Халқ Комиссарлигининг бевосита қарамоғида бўлади.

3. Университетнинг харажатларига керакли маблағлар шу комиссарликнинг сметасига мувофиқ берилади.

Халқ Комиссарлари Советининг Раиси
В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН).

1920 йил, 7 сентябрь.

* * *

Ушбу декретни амалга ошириш мақсадида В. И. Ленининг бевосита иштироки билан Тошкентга Москва ва Ленинграддан катта бир группа олимлар ва зарур асбоб-ускуналар юборилди. 1920 йилда таъсис этилган Тошкент Давлат университети кейинчалик миллий кадрлар етиштириб чиқариш манбаига ва Ўрта Осиё республикаларининг илмий марказига айланди.

КОММУНИСТИК РЕВОЛЮЦИОН АРМИЯНИНГ БИРИНЧИ СОЛДАТИ ЛЕНИНГА

1921 йил 15 июлда Самарқанд партия ташкилотининг бир группа коммунистлари В. И. Ленининг «Озиқ-овқат солиги тўғрисида»ги брошурасига жавобан В. И. Ленин номига табрик телеграммаси юбордилар. Қуйида В. И. Ленин кўрсатмасига биноан Халқ Комиссарлари Советининг секретариати томонидан ёзилган жавоб телеграммасининг тексти босилади.

САМАРҚАНД КОММУНИСТЛАРИГА

а

27. VI. 1921 йил.

Шошилинч. Самарқанд коммунистларига ташаккур телеграммаси юборилсин ва уларнинг кўрган тадбирлари маъқуллансин. Проект тайёрлаб берингларр.

ЛЕНИН.

б

Самарқанд. Губпартком. Шафранскийга.

27 июнь 1921 йил.

Салом юборган дўстларга ташаккур билдираман. Ҳозир энг муҳими ишчи ва деҳқонларнинг аҳволини дарҳол яхшилашдир. Ҳозир ҳамма иш озиқ-овқат солиғи ҳам, деҳқончилик билан саноат ўртасидаги оборотнинг ривожланиши ҳам, майда саноатнинг ривожланиши ҳам жойлардаги ходимларнинг гайратига ва моҳирлигига боғлиқ. Модомики пролетариат ҳокимиятни, транспортни ва йирик саноатни ўз қўлида маҳкам ушлаб турар ва ўзининг контроли билан уни давлат капитализми йўлига бориб юбора олар экан, биз учун капитализм қўрқинчли эмас. Бундай шароитда капитализм бюрократизмга қарши ва майда ишлаб чиқарувчининг тарқоқлигига қарши курашишга ёрдам беради. Биз нимани истаганимизни биламиз ва шунинг учун ғалаба қозонажакмиз.

СТО Раиси ЛЕНИН.

ДОҲИЙ СЎЗИНИ ТИНГЛАГАНМАН

Дўст Муҳамедович Устабоев Туркистондаги революцион ҳаракатнинг, Октябрь революцияси ва гражданлар урушининг актив иштирокчиси,1918 йилдан бери КПСС аъзоси, ҳозир шахсий пенсионер, 1920 йилда VIII Бутун Россия Советлар съездига делегат қилиб сайланган ва у ерда В. И. Ленининг нутқ ва докладларини тинглаган. Қуйида унинг хотираларидан парча босилади.

Мен бошқа ўртоқлар қатори VIII Бутун Россия Советлар съездига делегат қилиб сайланган эдим. Съезд 1920 йилнинг 22 декабрида очилди. Бундан бир қун илгари В. И. Ленин съездаги РКП(б) фракциясининг мажлисида сўзлаган эди. Шу ерда мен улуғ Ленинни биринчи марта кўрдим. Орзум амалга ошди. Мен 1905—1907 йилги революция даврида оддий агитатор бўлиб ишлаб юрган вақтимдаёқ ўз элатларим бўлган Каттақўрғон камбағалларига кўпинча Ленин тузган большевиклар партияси тўғрисида гапириб берар эдим. Ана шунинг учун ҳам Ленин билан учрашув мен учун айниқса мароқли бўлди.

Мен В. И. Ленинни бошқачароқ тасаввур қилиб юрардим. Ҳақиқатда Ильич оддий ва самимий киши экан. Унинг сўзларидаги мантиқ жуда кучли эди. Унинг ҳар бир хислати — ўткир қараши ҳам, халқнинг кучига, олижаноб ишимизнинг ҳақлигига қаттиқ ишониши ҳам кишида унга нисбатан зўр ишонч туғдирарди.

Съезднинг биринчи куни В. И. Ленининг Халқ Комиссарлар Советининг фаолияти тўғрисидаги доклади билан бошланди. Владимир Ильич партиямиз ва Совет ҳукуматимиз сиёсатининг Шарқдаги муваффақиятлари тўғрисида гапирганида биз, Совет Туркистонининг вакиллари жуда хурсанд бўлиб кетдик. Совет Туркистонидан келган делегатларнинг деярли ҳаммаси Бухоро ва Хева халқларини озод қилиш учун олиб борилган курашда актив иштирок қилган кишилар эди. Шунинг учун ҳам биз Ленин сўзларини ўзимизнинг кичик меҳнатимизга берилган баҳо деб билдик.

Ленининг Туркистон Автоном Совет Республикаси, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг тузилганлиги ва муваффақият билан яшаётганлиги Совет ҳокимиятининг идея ва принциплари саноати тараққий қилган, уюшқоқ пролетариати бўлган мамлакатлардагина эмас, балки капиталистик тараққиёт босқичини ўтмаган мамлакатларга ҳам кириб бориб амалга ошуви мумкинлигини исботлайди ва тасдиқлайди, деган сўзлари умрбод ёдда қолди.

Владимир Ильич ўз докладида партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатни электрлаштириш плани бўлган машҳур ГОЭЛРО планини амалга ошириш соҳасидаги вазифалар тўғрисида гапирди. У бу планни партиянинг иккинчи программаси деб атади ва ўзининг «коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш» деган машҳур формуласини тушунтириб, агар Россия жуда кўп электростанциялар билан қопланса, бизнинг хўжалик қурилишимиз келгуси социалистик Европа ва Осиё учун намуна бўлиб қолади, деб айтди.

Съезд делегатлари ўз олдиларига кенг истиқбол очиб берган Ленин сўзларини астойдил эътибор бериб тингладилар.

Улуғ Ленининг донишмандлик билан айтган сўзлари рўёбга чиқди!

Серқуёш Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш 1200 марта кўпайди. Бизнинг республикамизда аҳоли жон бошига Туркиядагига қараганда 10 марта кўп электр энергия ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон электр энергия ишлаб чиқариш жиҳатидан Шарқ мамлакатларидангина эмас, балки Испания ва Италия каби Ғарбий Европа мамлакатларидан ҳам олдинда бормоқда.

VIII Советлар съездининг иши, нотиқларнинг сўзлари, айниқса Владимир Ильичнинг оташин нутқлари мен ва менинг туркистонлик ўртоқларим учун катта мактаб бўлди. VIII съезднинг тарихий қарорлари асосида биз ўз вазифаларимизни қайта-қайта ўйлаб кўрдик, ҳали очилмаган кўпгина масалаларга жавоблар топдик.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти архивида сақланаётган ҳужжатлардан.

ИЖОБИЙ ЯКУН

ПАРТИЯ КОНТРОЛИ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

«Чирчиксельмаш» заводининг партия бюроси цех ва участка партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга ҳар вақт зўр эътибор бериб келмоқда. Ишлаб чиқаришнинг қайси бир участкаси орқада қолса, партия бюросининг секретари Ўртоқ Мусин ва бошқа бюро аъзолари шу участкага бориб уни тезда қолоқликдан чиқариш тадбирларини белгилайдилар ва уни амалга оширишда ўзлари ҳам актив қатнашадилар. Партия бюроси аъзоларининг бундай жонкуярлиги завод олдида турган муҳим вазифаларни бажаришда ижобий роль ўйнамоқда. Яқинда 1-механика-йиғув ва темирчилик-пресслов цехи ана шундай жонкуярлар ёрдами туфайли қолоқликдан чиқди.

Завод партия бюроси ишлаб чиқаришни муваффақиятли ташкил этишга партия контроли комиссияси ташкил этиб, корхона хўжалигига раҳбарликни ана шу йўл билан ҳам кучайтирди.

Икки йилдан буён заводнинг қуюв цехи пўлат қуйишга мослаштирилмоқда. Шу муносабат билан цехнинг ҳамма ишлаб чиқариш участкалари реконструкция қилиниши лозим эди. Бироқ, реконструкция ишлари чўзиб юборилди. Шундан кейин завод партия бюроси бу ишни назорат қилиш мақсадида махсус контроль комиссия тузди. Комиссияга тажрибали кекса қуювчи Виктор Михайлович Липилин бошчилик қилди. Комиссия цех партия ташкилотининг секретари И. Гумиров ва цех бошлиғи М. Гуревич ўртоқларга ҳар томонлама ёрдамлашди. Бу масала аввало завод раҳбарлари иштирокида цех партия йиғилишида муҳокама қилиниб, камчиликлар очиб ташланди ва реконструкция ишларининг янги графиги тузилди. Шу йиғилишдан кейин бир ҳафта ўтмасданоқ ишда сезиларли ўзгариш юз бера бошлади.

Асбобсозлик цехи қуюв цехини формаловчи деталлар билан таъминлаши лозим эди. Бироқ, қуювчиларнинг закази ўз вақтида бажарилмасди. Комиссия аъзолари бу ишга ҳам аралашиб асбобсозлик цехи бошлиғи ўртоқ Мотолигиндан қуюв цехи заказларини бажаришни тезлатишни талаб қилдилар. Бу тўртки ижобий натижа берди.

Қуюв цехида қурилиш-монтаж ишларини асосан пудрадчи ташкилот—«Узбекэнерго» бажаради. Партия контроли комиссияси аъзоларидан Липилин, Гольдберг, Исайкин ўртоқлар монтажчилар билан бир неча бор суҳбатлашдилар, монтаж ишларини тезлатишнинг катта аҳамиятини тушунтирдилар, қимматли таклифлар киритдилар. Монтажчиларнинг кўпчилигини ташкил этган комсомол-ёшлар реконструкцияни тезлаштириш мажбуриятини олдилар.

Партия контроли комиссиясининг актив фаолияти қуюв цехи партия ташкилотининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги роли кучайди. Коммунист Эшматов, пўлат эритувчи Попов, слесарь-ремонтчи Эминов, мастер Жданов каби кўпчилик ишчи, техник ва инженер ходимлар фидокорона меҳнат қилиб, кунлик топшириқларини 1,5-2 ҳисса бажарадиган бўлиб қолдилар.

Цехни қолоқликдан чиқаришда завод партия бюроси ҳам контроль комиссияга яқиндан ёрдам бериб борди. Натижада қуюв цехида белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги ўз вақтида амалга оширилди.

Шундай қилиб, қуюв цехи астасекин қолоқликдан чиқа бошлади.

Металл эритиш режимини бошқарувчи автоматик установкалик беш тоннали пўлат эритувчи электр печь ишга туширилди. Бу эритув бўлимининг қувватини 20 процент оширди ва бир йилда 600 минг сўмни тежаш имконини берди. Формаловчи конвейер реконструкция қилиниши натижасида катта майдон бўшатилди. Барча сермеҳнат иш процесслари механизациялаштирилди. Конвейерда тайёрланаётган деталларда брakка йўл қўйиш анча камайтирилди. Даставвал конвейерга 2—3 тонна суюқ металл сиғса, энди 4—5 тоннагача жойлашмоқда. Ишлаб чиқариш суръати ҳам бирмунча тезлашди.

Заводда умуман 6 та партия контроли комиссияси ташкил этилган. Бу комиссияларнинг ҳаммаси ҳам ўз ишини кўнгилдагидек уюштирган деб бўлмайди. Шунинг учун завод партия бюроси ўртоқ Липилин бошлиқ партия контроли комиссиясининг иш тажрибасини кенг ёйётир.

Ҳозир қуюв цехида реконструкциялашнинг иккинчи даври бошланди. Цех коллективи бу катта ва масъулиятли вазифани ўз вақтида уддалашда завод партия ташкилотининг ишончи, таянчи бўлган контроль комиссия яна ҳам катта роль ўйнаши шубҳасиздир.

В. СКОРОДУМОВ.

ИШДА БУРИЛИШ ЯСАШ КЕРАК

Коммунистик партия кейинги йилларда меҳнаткашларнинг оммавий ташкилоти бўлган Советлар ишини яхшилашга жиддий эътибор бериб, бир қатор чора-тадбирлар белгилади. Маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Бу эса уларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини янада мустаҳкамлади, ташаббускорлик ва ишчанлик фаолиятларини оширди.

Шунга қарамай, меҳнаткашлар депутатлари Термиз район Совети ижрокомининг ишида ташкилотчилик ва ташаббускорлик бўлмаётир. Район ижроия комитети ташкилий ишни қоғозбозликдан иборат деб билмоқда. Райижроком қўлгина қарор қабул қилади-ю, лекин уларнинг ижросини текшириш билан шуғулланмайди. Ижрокомнинг мажлисларида қишлоқ ва посёлка Советлари ишига доир масалалар деярли муҳокама қилинмайди.

Район ижроия комитетининг 1959 йилда ўтказилган 21 та мажлисида муҳокама қилинган 200 га яқин масаладан фақат биттасигина маҳаллий Совет ишига доирлиги юқоридаги даъвонинг исботидир. Ижроком Янгиариқ қишлоқ Совети ҳақида масала қараб, қишлоқ Советининг секретари ўртоқ Муҳамадиёровга виговор эълон қилган, қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Жабборовни огоҳлантирган...

— Нега қишлоқ Советининг ишини яхшилаш тадбирлари белгиланмай, жазо бериш билан чегараланилган, деган саволга райижроком раиси ўртоқ С. Комилов:

— Бу ишдан хабарим йўқ. Бизда ташкилий ишлар билан ўринбосарим Сафо Хотамов шуғулланади, — деди.

Ўртоқ Хотамов эса ҳамма айбни ижроком секретари ўртоқ Мамадалиевнинг устига ағдаришга уринади.

Район Советининг сессиялари ҳам мунтазам ўтказилмаётир. Ўтказилганда ҳам жуда юзаки бўлиб, унда район халқ хўжалигини ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилмаган.

Сессияларда қабул қилинган қарорлар умумий тарзда бўлганлиги сабабли меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини оширишга ёрдам бермайди, Масалан, 1959 йил 5 августда бўлган сессияда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳақида» масала муҳокама қилинган. Шу масала юзасидан доклад қилган райижроком раиси ўртоқ С. Комилов маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бирор конкрет сўз айтмаган. Қарорга ҳам умумий гаплар ёзилган. Мана қандай қарор:

«1. Район ижроия комитетига ва унинг бўлимларига, қишлоқ Советларига, колхоз правлениелари зиммасига, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат қилиш ишидаги ушбу сессияда ошкора бўлган (?!) камчиликларни бартараф қилиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари кўриш вазифаси юклансин.

4. Мавжуд маданий-оқартув муассасалари ишини тубдан яхшилаш, уларни оммавий-сиёсий ва маданий оқартув ишини олиб бориш, фан ва илғор тажриба ютуқларини пропаганда қилиш базасига айлантириш, жойларда мунтазам равишда кино кўрсатиш, ёш ҳаваскорлар тўгарагини янада ривожлантириш, кутубхона ва қироатхоналар ишини тўғри йўлга қўйиш район маданият бўлими ва қишлоқ Советларидан талаб қилинсин»...

Район Совети доимий комиссиялари ҳам яхши ишламайди. Район Советининг биринчи сессиясидан буён комиссияларнинг бирор марта ҳам йиғилиши бўлмаган. Шуниси қизиққи, молия, соғлиқни сақлаш, савдо, халқ маорифи ва маданий-оқартув ишлари юзасидан тузилган доимий комиссиялар составида шу ишлар билан таниш бўлган депутат йўқ.

Мактаб-маориф ишлари бўйича доимий комиссиянинг раислигига РТС директори ўртоқ Бобришев сайланган. У комиссиянинг вазифаси нимадан иборат эканлигини билмайди. Ўртоқ Бобришев РТС директори сифатида бирорта мактабга амалий ёрдам берган эмас.

Район Совети депутатлар билан ҳам етарли иш олиб бормаётир. Маҳаллий Советларнинг 285 депутати бор. Меҳнаткашларнинг вакиллари билан ишлаш, сайловчилар томонидан депутатларга берилган наказларнинг бажарилишини назорат қилиб туриш унутиб қўйилган.

Район ижроия комитетининг ишидаги жиддий нуқсонлар ўтган йили пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қолишига, чорвачилик, сабзавотчилик, картошка ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида жиддий хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлди.

Район колхозлари етти йилликнинг иккинчи йилида мамлакатга 13 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб бериш, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан 7 центнерга оширish, гўшт, сут, тухум етиштиришни икки баравар кўпайтириш, сабзавот, картошка, полиз экинлари ва боғдорчилик ҳосилини янада ошириш мажбуриятини олганлар.

Бироқ, район колхозларида кўклам экинига тайёргарлик ишлари қониқарсиз бормоқда. Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги», Ленин номли колхозларда ер текислаш, сабзавот ва картошка экишга ер, уруғ ҳозирлаш, маҳаллий ўғит тайёрлаш ва уни далага чиқариш жуда қониқарсиз бораяпти.

Тракторларни ремонт қилиш ҳақида колхозлар билан РТС ўртасида шартнома тузилмаган. Колхозларнинг ўзида олиб борилаётган ремонт ишлари эса мутлақо қониқарсиз: чигит экадиган 156 сеялкадан энди 60 таси тайёрланди. Борона, мола ва маккажўхори сеялкалари ҳамда трактор культиваторларини ремонт қилиш ҳануз бошланғани йўқ.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ишчанлик ва ташаббускорлик фаолиятини оширмасдан туриб, олинган катта мажбуриятларни бажариш қийин, албатта. Янги вазифалар ишда қатъий бурилиш ясаш ва масъулият сезишни талаб этади.

А. ХАЛИЛОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Комсомол аъзоси Людмила Георгиева 10-синфни битиргач, Андижондаги «Коммунар» заводига келди. Ҳозир Людмила — машина-қурилиш кечки техникумининг студенти. У кундалик нормасини 150—180 процентдан бажармоқда. СУРАТДА: Людмила Георгиева иш устида.

С. Безносов фотоси.

ҚАРШИ ШАҲРИДА

ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

Қарши шаҳрида ўтга чидамли материаллар заводи қурилиб, ишга туширилди. Завод кўмир майдаси, қипиқ ва тупроқдан биноқорлик плиталари ишлаб чиқаради. Бу муҳим материал бетон плиталарга кўра 8 баравар арзон. Мустаҳкамлиги жиҳатидан қурилишда ишлатилаётган бетон плиталардан қолишмайди ва енгилдир.

Яқинда корхона коллективи ўзининг дастлабки маҳсулотини берди. Бу ерда тайёрланган материаллардан атиги 8 кунда 3 квартирали бино монтаж қилинди.

ЕТТИ СОАТЛИК ИШ КУНИГА

Мотор-ремонт заводининг коллективи етти соатлик иш кунига ўтди. Ремонтчилар қисқартирилган иш кунига ўтишдан олдин катта тайёргарлик кўрган эдилар. Масалан, қуюв цехи қайта жиҳозланди. Автокранининг ишга туширилиши деталларни транспортировка қилиш ишларини осонлаштирди, кўп вақт тежаб қолинди.

Паровоз-вагон депоси, шунингдек ёғ заводининг коллективлари ҳам етти соатлик иш кунига ўтишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

ҲАР БИР ТИКУВЧИ ГУЛ УСТИРАДИ

Тикув фабрикасининг цехларига кирган киши ўзини кўркам боғда юргандек ҳис қилади. Дераза олди, йўлкаларда ранг-баранг чиройли гуллар зеб таппаб, хушбўй ҳид таратиб турипти. Юзлаб тикувчи қиз-жувонлар фабрикани кўкаламзорлаштириш учун гулларни ҳавас билан парвариш қилмоқдалар. Фабрика ҳовлиси боққа айланган. Бу ерда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда.

«Учқун», Навоий номли ҳунармандчилик артелларининг коллективлари ҳам тикувчилардан ўрнак олиб, ишхоналарини ободонлаштиришга киришдилар.

С. НУРОВ,
М. ТЎЛАНОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МУНТАЗАМ ЎТМОҚДА

ЧИНОЗ. Район партия комитети КПСС тарихини ўрганиш юзасидан 13 жойда, кундалик сиёсатни ўрганиш бўйича 35 жойда тўгарак ташкил этган. Бу тўгаракларда машғулотларни мазмунли ўтказишда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори пропагандистлар учун муҳим қўлланма бўлди.

Тажрибали пропагандист Н. Юсупов кўп йилдан бери «Коммунизм» колхозида партия тарихини ўрганиш тўгарагига раҳбарлик қилмоқда. У, машғулотларга ҳамма вақт пухта тайёрланиб келади, ўтилаётган темаларнинг тингловчиларга тушунарли бўлиши учун машғулотларни турмушдан, колхоз ҳаётидан олинган конкрет мисоллар билан боғлаб олиб бораётир.

И. УРИНБОЕВ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

АНДИЖОН. Бу ерда сиёсий маориф тўгараклари пропагандистларининг семинари мунтазам ўтказилиб турибди.

Яқинда ўтказилган машғулотда райондаги бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳам иштирок этдилар. Лекторлардан Муҳиддинов ва Иноятов ўртоқлар «Халқаро аҳвол», «Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда СССР экономикаси ва унинг ривожланиши» темаларида, район партия комитетининг секретари ўртоқ Жўраев КПСС Марказий Комитетининг идеология ишлари ҳақидаги қарори муносабати билан пропагандистлар олдида турган вазифалар ҳақида лекция ўқиди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

РАҲБАР ХОДИМЛАР ЎҚУВИ

ЖИЗЗАХ. Районда раҳбар ходимлар ўқуви яхши ташкил этилган. Ҳар ҳафтада мунтазам ўтказилаётган машғулотларда лекциялардан ташқари, илғор коммунист ва комсомол-механизаторлар, трактор-далачилик бригадаларининг бошлиқлари ва новатор ишчилар партия қарорларини бажаришдаги ўз иш тажрибаларини ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Б. АҲМЕДОВ.

КОМИССИЯ ЁРДАМИ БИЛАН

ХЕВА. Шаҳардаги пахта-ёғ заводида маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда меҳнатни тўғри ташкил қилишишни назорат этиб бориш учун иккита партия контроли комиссияси тузилган эди. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан заводдаги камчиликлар тугатилди ва маҳсулот ишлаб чиқариш суръати тезлашди, сифати яхшиланди, 1959 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш плани 104,8 процент бажарилди.

Партия контроли комиссиясининг ёрдами билан бир меёрда ишлай бошлаган завод коллективи биринчи квартал планини ҳам муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин кучайтирмоқда.

Э. ИБРОҲИМОВ.

УСТОЗДАН ХУРСАНД

Бай Ла-ти—Хитойнинг машҳур олими, иқтисод фанлари доктори-дир. Яқинда Ўрта Осиё политехника институти сиёсий иқтисод кафедраси мудири, профессор Ю. И. Исҳоқовга ундан иккита мактуб келди. Бай Ла-ти ўзининг тошкентлик ўқитувчиси, илмий ишига раҳбарлик қилиб, самимий ёрдам берган фан доктори Исҳоқовга миннатдорчилик билдирган.

Мактубнинг бирида шундай дейилади: «Яқинда Хитой Фанлар академиясининг Олий аттестацион комиссияси менга иқтисод фанлари доктори дипломини топширди. Сиздан жуда миннатдорман. Сиз илмий консультацияларингиз ва маслаҳатларингиз билан мураккаб иқтисодий проблемани — Синьцзян (Қашқар)да ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш проблемасини илмий асосда ҳал қилишда менга жуда катта ёрдам қилдингиз... Раҳмат. Сизнинг Бай Ла-тингиз».

А. АКРАМОВ.

СУРАТДА: Вобкент районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси комсомол аъзоси Шарофат Баратова. У ўн йиллик мактабни тамомлагандан кейин фермада ишлай бошлади. Бу йил Шарофат ўзига бириктирилган 16 сигирнинг ҳар биридан 2 минг литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

А. Рогочий фотоси

ОЛИМЛАР ЕТТИ ЙИЛЛИККА

МАЙИН ЖУНЛИ ҚЎЙЛАР

Тоғ бағридаги беполён Сангзор яйлови йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳашаккa бой. Тўда-тўда қўйлар ўтлаб юрипти. Оқ халат кийган киши чўпон билан нима ҳақдадир гаплашмоқда. Бу оддий манзара оқ халатли кишиларни чўпонлар олдида ҳар куни кўриш мумкин. Чорвачилик илмий-текшириш институтининг Сангзор қўйчилик илмий-тажриба базаси ходимлари майин жунли қўйлар, тивит берадиган эчкилар зотини кўпайтириш соҳасида самарали иш қилмоқдалар.

Илмий ходимлар Қозоғистондан келтирилган ярим майин жунли Дагарес зотли қўчқорларни Зомин райони-дан келтирилган совлиқлар билан чатиштирдилар. Олинган қўзилар ҳам гўштдор, ҳам майин жунли бўлди.

Шунингдек Ангор эчкилари «Ўзбекистон» зотли эчкилар билан чатиштирилиб, янада кўп тивит берадиган эчки тури вужудга келтирилди.

Базада олиб борилаётган илмий ишлар яхши самара бермоқда. Бу ерда ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 3 килограммдан майин жун ва 500 бош эчкининг ҳар биридан 4 килограммдан тивит олинди.

Қўйчилик базаси ходимлари етти йиллик топшириқни муддатидан олдин бошқаришда чорвадорларга амалий ёрдам бериш учун чорва моллар наслини яхшилаш, қўйларни майин жунли ва маҳсулдор қилиш устида астойдил ишламоқдалар.

И. УСМОНОВ.
Ғаллаорол райони.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЯНГИ МУТАХАССИСЛАР

Яқинда Тошкентдаги қишлоқ хўжалик сиртқи техникумини бир группа мутахассислар тамомлаб чиқдилар. Булар республикамизнинг областларида қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган кишилардир. Фарғона область, Охунбобоев райони-даги Тошлоқ РТСи ишчилар комитетининг раиси М. Ҳошимов техникумни имтиёзли диплом билан тамомлади. Шунингдек. А. К. Абрамов Х. Худойбердиев, О. Мусулмонқулов, А. Муродов, А. Эргашевлар техникумни яхши баҳолар билан битириб, младший агроном дипломини олдилар ва ишлаб чиқаришга жўнаб кетдилар.

С. И. ИСМОИЛОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик сиртқи техникумининг директори.

КОЛХОЗ АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ПОСТЛАРИ

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, деҳқончилик маданиятини тобора ошириш, мамлакатга йилдан-йилга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бориш учун курашмоқдалар. Ўзбекистон етти йилликнинг охирига келиб мамлакат «оқ олтин» хазинасига 4 миллион тонна ҳосил тўкади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун ҳар бир хўжаликнинг табиий тупроқ-иқлим ҳамда об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда агротехника даражасини ошириш катта аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан яқиндан алоқа боғлаш учун, жойлардаги об-ҳаво шароитини ўрганиш учун агрометеорология постлари кенг шохобчасини ташкил этиш зарур. Ўзбекистон ССР Гидрометеорология хизмати бошқармасининг мавжуд гидрометеорология станциялари шохобчаси ҳар бир колхоз ва совхозлари об-ҳаво шароитини айтиб бериб туриши мумкин.

Бу йил республика районларида 160 та агрометеорология пости очилади. Бу постлар учун зарур бўладиган ускуналар ва асбоблар ўша жойларга олиб бориб қўйилди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари яқин вақт ичида ўз хўжаликларида агрометеорология постлари ташкил этиш учун тайёргарлик кўришлари керак.

Ҳар бир агроном, ҳар бир бригадир, ҳар бир колхоз раиси ва совхоз директори ерни қачон ҳайдаш, қачон бороналаш, ерда қанча нам тўплаш, қисқаси, қишлоқ хўжалик ишларини қачон, қай маҳалда ўтказиш учун ҳароратни, ҳавонинг иссиқ-совуқ бўлишини, тупроқнинг намлигини, қорнинг қалинлигини, тупроқ қанча чуқурликда музлаганлигини, қанча ёмғир ёққанлиги ва тупроққа қандай сингиб кетганлигини билиши зарур. Агрометеорология пости ҳар бир хўжаликка ана шу маълумотларнинг ҳаммасини бериб туради.

Бу маълумотларнинг ҳаммаси ана шу хўжаликда қандай об-ҳаво шароити бўлишига қараб туриб иш қилиш, бу об-ҳаво шароитининг қишлоқ хўжалик экинларини ўстиришга, у ёки бу агротехника тадбирларини амалга оширишга қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб туриш имкониятини беради.

Маълумки, чигит экиш муддати ернинг қизишига қараб туриб белгиланади. Агар ҳали қизимаган ерга чигит экилса, у чириб кетиши мумкин. Аксинча, чигитни кечикиб, нами қочиб қолган жойга экиш уруғнинг хато униб чиқишига олиб келиши, қўшимча харажатлар тугдириши мумкин.

Одатда бериб туриладиган об-ҳаво маълумотлари жуда катта территорияга тааллуқли бўлиб, бунда биз айрим хўжалик ва бригадаларнинг даласидаги алоҳида об-ҳаво шароитини ҳисобга ололмаймиз. Агрометеорология постининг вазифаси ўша колхоз ёки совхоз территориясида об-ҳаво шароитини аниқлаб туришдан иборатдир.

Ўзбекистонда агрометеорология постларининг ташкил этилиши колхоз ва совхозларда муттасил юқори ҳосил етиштиришга ёрдам беради.

Ўрта Осиёда Ўзбекистонга қўшни қардош республикаларда ва Қозоғистонда агрометеорология постлари жуда кўп жойда ташкил этилган. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари агрометеорология постлари олиб бораётган ишларнинг афзаллигига тушундилар.

В. КОВАЛЕНКО,
Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати бошқармаси об-ҳаво секторининг бошлиғи.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ

Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тўрт томлик «Ўзбек адабиёти» [1])—китобининг уч томини нашрдан чиқарди ва китобхонлар назарига тақдим этди.

Китобни адабиёт мутахассисларидан ташкил топган катта коллектив тузган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, фалсафа фанлари доктори Воҳид Зоҳидов таҳрир қилган.

Биринчи том қадим замонлардан XV асргача бўлган ўзбек адабиёти намуналарини, иккинчи том улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодий меросини, учинчи том XVI—XIX аср ўрталаригача, тўртинчи том эса XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабиёт намуналарини, кўп асрлик таржима ёдгорликларини ўз ичига олади.

Ўзбек адабиёти намуналарининг нашр этилиши республика адабий жамоатчилиги ҳаётида катта воқеадир. Уни кенг адабиёт ҳаваскорлари, қўлланмаларга чанқоқ студентлар, ўрта ва олий мактаб ўқитувчилари, илмий ходимлар қувонч билан қарши олдилар.

Ғарчи китобнинг ҳамма томлари чиқмаган бўлса ҳам, биринчи томда юқорида тилга олинган материаллардан умуман тўрт томликнинг тузилиш принциплари, қабул қилинган назарий асослар, томларнинг характери маълум даражада аниқланади ва улар тўғрисида баъзи мулоҳазаларни баён қилиш имконияти бор.

Ўзбек адабиёти тўрт томлигининг тузилиши адабий меросимизни ўрганиш соҳасида қўйилган катта ва жиддий қадамдир. Бу соҳадаги баъзи ишларни ҳажм жиҳатидан, на тузилиш принциплари — илмий асослар жиҳатидан тўрт томлик билан қиёс қилиб бўлмайди. Тўрт томлик, биринчи мартаба, кўп асрлик тарихга эга, бой ўзбек адабиётининг қадим замонлардан Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар тараққиёт босқичларидан мунтазам маълумот бермоқчи бўлган ва бу вазифани, асосан, муваффақият билан амалга оширган. Томлардаги материалларнинг кўпчилиги, ҳатто А. Навоийнинг бир қанча асарлари эндигина нашр этилиб, кенг китобхонлар оммасига етказилди.

Тўрт томлик материаллари ўзбек адабиётининг ҳажми ва доираси ҳақидаги китобхон тушунчасини беҳад кенгайтиради ва бойитади. Шу вақтгача ўзбек адабиёти етарли ўрганилмагани учун китобхонларга бир қанча шоирларнинг номигина маълум эди. Баъзи шоирларнинг эса номи ҳатто тилга олинмас эди. Тўрт томликда қайд қилинган «Латофатнома» автори Хўжандий, шоир ва тарҳимон Сайф Сароий, «Девон» ва «Даҳнома» эгаси Юсуф Амирий, XV аср шоирларидан Яқиний, Аҳмадий (I том), Жомий, Шавқий (III том), XIX асрнинг II ярмидаги демократ шоирлар билан ижодий ҳамкорликда бўлган Муҳайийр, Зорий, хоразмлик тарихчи ва шоир Баёний (IV том) ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу шоир ва ёзувчиларни ўзбек адабиёти мулкига айлантиришда тўрт томликнинг хизмати катта.

Тўрт томликнинг илмий қийматини оширадиган яна бир хусусияти — унга кирган материаллар Иттифоқимиздаги энг бой кўлёзма фондларидан (Ленинград, Тошкент), шунингдек жаҳон музейлари, кутубхоналари (Лондон, Париж, Истамбул) да сақланаётган нодир нусхалардан олинган. Бу ўринда Алишер Навоий юбилейини ўтказиш даврида тўпланган ва ҳозир академия фондида сақланаётган бойликдан авторлар коллективининг тўғри ва унумли фойдаланганини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Бу ҳол китобнинг энг мўътабар нусхалар асосида нашрга тайёрланган.

Тўрт томликка муқаддима ўрнида берилган профессор Воҳид Зоҳидовнинг «Ўзбек классик адабиёти тарихининг асосий масалалари» сарлавҳали мақоласи диққатга сазовор. Зўр ватанпарварлик туйғуси ва ажойиб илҳом билан ёзилган бу мақоланинг бош қисмида ихчам, лекин аниқ формада маданий мерос масалаларини марксизм-ленинизм таълимоти бўён қилинади, сўнг шу назарий, методологик қуролга суяниб турибўзбек классик адабиётининг асосий масалаларини ҳал қилишга ўтилади.

Воҳид Зоҳидов мақоласи ўзбек классик адабиётининг асосий масалаларини таҳлил қилиш билан, ўтмишда халқимизнинг қўшни халқлар билан ижодий ҳамкорликда бўлиб, умуман маданий бойликлар, шу жумладан юксак адабиёт яратган, қардош халқлар ҳамкорлигининг тарихини ўрганиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек таржима адабиёти, айниқса, улуғ рус классик адабиётидан қилинган таржималар, фольклор заминида туғилган халқ китоблари ҳақидаги мулоҳазалари илмий фикрда янгилик бўлиб, ўзбек классик адабиётини ўрганишда адабиётшуносligимиз олдида турган вазифаларни конкрет белгилаб олишга ёрдам беради.

Тўрт томлик ва умуман ўзбек классик адабиётини бундан кейинги ўрганишдаги истаклар — уни даврлаштириш (периодизация)га оиддир. Бу ишда тўрт томлик тутган йўл билан бориш, яъни даврлаштириш масаласини очиқ қолдириб кетиш тўғри бўлмаса керак. Бу жиддий ва мураккаб илмий проблема билан шуғулланиш, хусусан академия институтлари тайёрлаган ишларда фикр баён қилиш, вариантлар бериш — масалани ҳал қилишга олиб боради.

Иккинчи муҳим масала ўзбек адабиётининг бошланишига оиддир. Тўрт томликнинг биринчи томи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатий турк» китобидан олинган парчалар билан очилади.

Бу, албатта, адабиётимиз тарихи XI асрдан бошланади деган гап эмас. Зеро, улуғ тилшунос олим тўпланган ва ўзининг бу китобига киритган ўзбек фольклори намуналари XI асрдагина ижод этилган эмас. Ваҳоланки, уларнинг маълум қисми қадим замонларда яратилган. Бизнинг фикримизча, шу билан бирга IV—VIII асрларга оид Ўрхун-Енисей маданият ёдгорликларидан, қадим юнон ва хитой манбаларида учрайдиган тарихий-афсонавий нақллардан ҳам фойдаланиш ўринли бўлур деб ўйлаймиз.

Адабий, биографик справкаларда, баъзан хомлик, чалалик кўринади. Масалан, китобда XIX аср шоири Шавқий (III том) ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотимиз йўқ, дейилади. Холбуки, Шавқий ҳақида қўлёзмаларда етарли маълумот учрашидан ташқари ўз вақтида матбуотда ҳам махсус мақола босилган эди.

Адабий меросимизни ўрганиш ва уни халқ ўртасида пропаганда қилиш соҳасида кейинги икки-уч йил мобайнида сезиларли жонланиш бор. Классиклар кўплаб нашр этилмоқда. Мазкур тўрт томлик китоб ҳам шу жонланишнинг энг яққол кўринишидир. Бу ишлар чет эллардаги душманлар томонидан партия ва ҳукуматимизнинг миллий маданият ва адабий меросга муносабатига қилаётган бўхтонларига қарши яна бир зарба бўлиб хизмат этади.

Совет мутахассислари халқ мулки ҳисобланган улкан бойликни, адабий дурдонани янада пухта ўрганиб, ўз ҳаёти ва курашлари учун мадад берадиган, дид ва завқини оширадиган намуналарини танлаб, асл моҳиятини бузмасдан ҳақиқий эгаси бўлган халққа кўплаб етказиб беришларига ишончимиз комил.

Ғулом КАРИМОВ.
В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг доценти.

[1]) «Ўзбек адабиёти» Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959, I-II-III томлар.

КОЛХОЗДА ЗАВОД

ТОШКЕНТ. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида механизациялашган бетон заводи ишга туширилди. Бу ерда бетон қориштирадиган учта машина ва бошқа материаллар тайёрлайдиган агрегат ўрнатилган. Бинокорлар ихтиёрида бу заводдан ташқари махсус полигон ҳам бор. Бу ерда кун сайин беш-олти минг тоннагача металл арматура тайёрланмоқда. Ёғочсозлик цехи эса зарур ёғоч конструкцияларни тайёрлаб бермоқда. Қурилиш майдончаларида иккита кўтаргич кран, шу жумладан битта башняли кран, ҳар хил транспортёрлар, насослар ишлаб турибди. Материалларни объектларга ташиш учун автомашиналар ажратилган.

Индустриал базанинг вужудга келтирилганлиги колхозда қурилиш ишларини муваффақиятли бажарибгина қолмай, шу билан бирга қурилиш таннархини 15—20 процент камайтиришга ҳам имкон берди. Кейинги беш йилда колхоз қурилиш учун 44 миллион сўм маблағ сарфлади. Шу маблағ ҳисобига интернат-мактаб, дам олиш уйи, юзлаб турар уйлар, бир неча ошхона, кирхона, қуртхона, теплица ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш бинолари қурилди.

Ҳозирги вақтда колхоз бинокорлари Маданият уйи учун уч қаватли бино қураётирлар. Бу бинода 880 ўринли томоша залидан ташқари кутубхона ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари учун қирқтача хона бўлади.

„ТЕЗРОҚ УЛҒАЙ, ЯХШИ ЧЎПОН БЎЛАСАН!“

Ўтмишда, меҳнат азоб-уқубат ҳисобланган замонда баъзи кишилар ёмон кўрган болаларини «Бу подачи бўлади», дер эди.

Меҳнат — шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланган замонамизда чўпонлик ҳам фахрли касб бўлиб қолди. Фидокорона меҳнат қилиб, қаҳрамон бўлган минг-минглаб чорвадорларни биламиз.

Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхозининг ишчиси Аб. дураҳим Муҳаммадиев 44 йилдан буён чўпон бўлиб ишлайди. Унинг ўғиллари Юсуф, Ҳасан ва Поён ҳам чўпонлик қилмоқдалар.

СУРАТДА: Кекса чўпон неварасини эркалатиб: «Тезроқ улғай, яхши чўпон бўласан!» деяпти.

А. Ким фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

ҚАРДОШ ХАЛҚ КУЙЧИСИ

САНЪАТ КУНДАЛИГИДАН

Қирғизистон ССР халқ артистаси Тожихон Ҳасановани ўрта Осиё республикаларида, айниқса Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда ким танимайди дейсиз.

Ўшлик камбағал меҳнаткашнинг қизи янги ташкил қилинган театр саҳнасига чиққанидан буён 30 йил вақт ўтди. У ана шу йиллар мобайнида жуда кўп спектакларда асосий ролларни ижро қилди, беҳисоб концертларда қатнашиб, ёқимли овози билан тингловчилар қалбида зўр шавқ-завқ уйғотди. Тожихон саҳнага чиққандан буён 90 дан ортиқ спектаклда ўйнади.

Тожихон Ҳасанова «Фарҳод ва Ширин» да — Ширин, «Лайли ва Мажнун»да — Лайли, «Тоҳир ва Зуҳра»да — Зуҳра ролини ижро қилар экан, ўтмишда барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилинган, таҳқирланган, камситилган, ўз ёрига етиша олмаган вафодор қизлар қалбини, адолатсиз замонанинг қурбони бўлган хотин-қизларнинг қайғу ва ҳасратини ифода этишга ҳаракат қилади. Тожихон «Гулсара» спектаклида ўйнар экан, совет замонасида ўзбек хотин-қизлари учун ҳам озод яшаш, эркин нафас олиш пайти келганлигини кўрсатади. У паранжи-чимматини ўтга улоқтириб ташлаган, янги ҳаёт учун курашаётган озод Шарқ хотин-қизлари мардлигини гавдалантиришга интилади.

Қирғизистон меҳнаткашларининг, айниқса Ўш областининг пахтакорлари, чорвадорлари, интеллигентлари истеъдодли артистканинг хизматига юксак баҳо бердилар. Тожихон Ҳасанова Қирғизистон ССР Олий Совети депутатлигига икки марта сайланди.

Тожихон Ҳасанова ҳозир Ўш область Советининг депутати. Уни Фарғона водийсида ҳам тез-тез учратиб турасиз. 1958 ва 1959 йилларда Ўш область театри составида Фарғона водийсига гастролга келган Тожихон Ҳасанова ўзбек пахтакорларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Ўш область театрининг моҳир ва кекса санъаткорларидан бири Т. Ҳасанова ўз ижодий маҳоратини ёшларга қунт билан ўргатмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз Тожихон Ҳасанованинг санъат соҳасидаги хизматларига юксак баҳо бериб, уни икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

Ўш область жамоатчилиги Тожихон Ҳасанова ижодий фаолиятига 30 йил тўлган кунни нишонлади. Тожихон Ҳасанованинг киши қалбидан чуқур жой оладиган ёқимли қўшиқларини эшитган, саҳнадаги маҳоратини кўрган томошабинлар: «Тожихон — бизнинг Ҳалима, Қирғизистон булбули» деб бекорга айтмайдилар.

Ғ. ҚОСИМОВ.

БЎРДОҚИГА БОҚ!

КАТТА ИМКОНИЯТ

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

<>

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлашга ҳисса қўшиш учун республикамиз чорвадорлари гўшт етиштиришни бир йил ичида икки баравар кўпайтириш ва давлатга 115 минг тонна ўрнига 218 минг тонна гўшт етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришда молларни бўрдоқига боқиб, қўшимча гўшт олиш катта аҳамиятга эга. Колхоз ва совхозларда бўрдоқига боқиш пунктлари, махсус бригадалар ташкил қилинмоқда. Бу тадбирлар давлатга молларни семиртириб сотиш йўли билан кўп гўшт етиштиришга, шу билан бирга анча молларни кўпайтириш учун сақлаб қолишга имкон беради. Колхоз ва совхозларда молларни бўрдоқига боқиш яхши ташкил қилингани ҳақида редакцияга жойлардан жуда кўп хат-хабарлар келмоқда.

Деҳқонобод районидаги «1-Май» колхозида алоҳида бўрдоқи фермаси ташкил қилинди. Фермада ишловчилар бу йил 300 бош қорамол, 150 бош чўчқа ва 3100 бош қўй боқадилар. Бундан колхоз катта фойда кўради, молларни бўрдоқи қилиш ҳисобига 96 бош қорамол, 30 бош чўчқа ва 762 бош қўй тежаб қолинади.

— Ғаллаорол районидаги Ленин номли колхознинг Алиқул Ербеков бошлиқ бўрдоқи бригадаси, — дейилади ўртоқ Эргаш **Узоқов** юборган хабарда, — 700 қўй, 200 қорамол ва 80 бош чўчқани яхши парвариш қилиб семиртиряпти.

Колхоз ўтган йили давлатга 375 тонна гўшт сотган эди. Бўрдоқи бригадаси аъзолари эса шу йилнинг биринчи ярмида 350 тонна семиз гўшт етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

1959 йилда Андижон районидаги «Юқори ҳосил» колхози гўштга топширган молларни бўрдоқига боққанда, 16 тонна қўшимча гўшт етиштирилган бўлар эди. Бу, колхозга катта сабоқ бўлди. Ҳозир гўштга топшириладиган моллар ажратилиб боқилянти. Бу ҳақда хабар ёзиб юборган ўртоқ **Л. Маҳмудов** чорвадорлар бу йил давлатга ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп — 64 тонна гўшт сотиш мажбуриятини олганликларини айтади. Улар январь ойида бўрдоқи қилиб семиртирилган 25 та қорамол ва 50 та чўчқани гўштга топшириб, биринчи квартал планини бажариб қўйдилар.

Косонсой районидаги «Правда» колхозидан **А. Раҳимов**, Ғузор районидаги Сталин номли колхоздан **Э. Даминов**, Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоздан **А. Мадаминов** ўртоқлар редакцияга юборган хабарларида колхозларда молларни бўрдоқига боқиш яхши ташкил қилинганлигидан моллар тез семираётганлигини маълум қилганлар.

Гўшт етиштиришни икки баравар ва ундан ҳам ортиқроқ кўпайтириш учун курашаётган кўп хўжаликлар чўчқачиликни ривожланти р и ш г а алоҳида аҳамият бераётирлар. Тўрақўрғон районидаги «Москва» колхозидан Мухторжон **Сатторовнинг** хабар қилишича, бу ерда чўчқабоқар Аркадий Кишинов Ярослав Чиж ташаббусига қўшилиб, кўп ва арзон гўшт етиштириш учун курашмоқда. У ҳар она чўчқадан 19 тадан бола олишга аҳд қилган. Бундан ташқари 40 бош чўчқани семиртиряпти.

Бўрдоқига боқиш — қўшимча гўшт манбаи. Колхоз учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали иш. Ҳар бир хўжаликдаги бўрдоқи пунктлари ва бригадаларида ишни намунали ташкил қилиб, гўшт учун фақат боқиб семиртирилган молларнинг топширилишига эришайлик.

ҲАР ТЎҒРИДА

▲ **УМАЛГОБЕКДА** (Чечен-Ингушистон) қудуқдан кучли нефть фонтани уриб чиқди. Бу қудуқдан бир неча кундузда 150 тонна нефть чиқади. Ҳозирги вақтда пармалаш ишларининг кўлами ўсмоқда. Етти йилликнинг иккинчи йилида қарийб 70 минг метр ер пармаланади, бу эса ўтган йилдагидан икки баравар кўп бўлади.

▲ **СССР Фанлар академиясининг Ленинграддаги антропология ва этнография музейининг залларида Индонезия Республикасига бағишланган мингдан кўпроқ экспонатлар қўйилган. Бу экспонатлар турли даврларда рус ва совет олимлари ҳамда саёҳатчилар томонидан тўпланган. Бу ерда яқинда Жакартадан юборилган нусхалар, энг янги фотохужжатлар ва материаллар бор.**

▲ **ТЕРНОПОЛЬ** область қишлоқ хўжалик тажриба станцияси ҳузурида Копичинский районидаги Хоростков қишлоғида илғор тажриба институти очилди. Бу институтда колхоз раислари ва далачилик бригадалари бошлиқларидан 114 киши ўқимоқда. Областда колхозчилар учун ҳозиргача 8 та илғор тажриба институти ташкил этилди.

▲ **МОСКВА** областида энг йирик бўлган Брацево парандачилик фабрикасида парандачилар юқумли касаллик бўлган ларинготрахеит касаллигини енгишга эришдилар. Улар барча жўжаларни вакцина билан профилактик эмладилар. Бу вакцина Бутуниттифоқ парранда саноати илмий тадқиқот институтининг профессори С. Т. Шченников ва фабриканинг бош ветеринария врачи М. А. Артемичев томонидан яратилган.

▲ **ВИЛЬНЮСДА** бинокор активларнинг республика кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатдан илгари бажариш, қурилиш сифатини ошириш ва таннархини камайтириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

▲ **ХАРЬКОВ.** Бу ерда яшовчи профессор Т. Д. Страхов 70 ёшга кирди. У, энг йирик совет фитопатологи (ўсимликларни касаллилар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш) мутахассисидир. У 90 га яқин илмий асарлар ёзган.

ПОЛЬША МАДАНИЯТИНИНГ ИФТИХОРИ

Бу йилнинг—Польша буюк композитори туғилган кунга 150 йил тўлган йилнинг «Шопен йили» деб аталганлиги бежиз эмас. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига мувофиқ, ана шу воқеа Шопен музикаси қачон бўлмасин янграб эшитилган ҳамма ерда, унинг асарларидаги хисларнинг чинакам ҳаққонийлиги, бу асарларнинг ниҳоят самимийлиги ва чуқурлиги инсон қалбини бахраманд қилган ҳамма ерда нишонланмоқда.

Гениал композиторнинг музикасини бир асрдан кўпроқ вақтдан буён севиб тинглаб келаётган бизнинг мамлакатимизда Шопен юбилейи қувончли ва тўлқинлантирувчи воқеага айланди.

22 февралда Москва консерваторисининг катта залида Шопенга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Бу кеча Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилиш совет жамиятлари союзи, СССР Маданият министрлиги, Совет-Польша дўстлиги жамияти, СССР Композиторлар союзи томонидан уюштирилган эди.

Кеча бошланиши олдидан консерваторияда Ф. Шопеннинг ҳаёти ва ижодиётига бағишланган виставка очилди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО КОНКУРС

ВАРШАВА, 22 февраль. (ТАСС). Пианиночиларнинг Фридерик Шопен номидаги олтинчи халқаро конкурси бугун Варшавада тантанали суратда очилди. Конкурс уч ҳафта давом этади.

Пианиночиларнинг олтинчи халқаро конкурсида Польша улуғ композиторининг асарларини энг яхши ижро этиш учун 31 мамлакатдан келган 86 музикачи, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган пианиночилардан беш киши қатнашади.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ОЙЛИГИ

8 МИЛЛИОН 620 МИНГ ТУП ЎТҚАЗИЛДИ

Республикамизда 22 февралгача 8 миллион 620 минг тупга яқин мевали ва мевасиз дарахт кўчатлари ўтқазилди. Баҳорги кўчат ўтқазиш топшириғини Тошкент темир йўл бошқармаси 21 процент, Қишлоқ хўжалик министрлиги 10,2 процент, Сув хўжалиги министрлиги 9,5 процент, Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бош бошқармаси 6 процент, Автомобиль транспорти ва тоғ йўллар министрлиги 4,1 процент бажардилар. Маориф, Соғлиқни сақлаш министрликлари ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон халқ хўжалиги кенгашларида ҳали кўчат ўтқазишга киришилмаган.

«Чирчиқсельмаш» заводида янги ўгит майдалаш машинасининг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб бўлди. Ҳозир экспериментал цехида шу машинадан иккитаси тажриба учун тайёрланмоқда. СУРАТДА: конструкторлардан В. Панасюк (чапда) ва Е. Хван ўртоқлар машина чизмаларининг тугал нусхасини кўздан кечирмоқдалар.

И. ГЕРШУН фотоси.

КИЧКИНТОЙ ПАХТАКОРЛАР

Ўтган йили Бухоро областида ўқувчиларнинг 97 та ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси ишида 1456 ўқувчи қатнашди. Ҳар бир бригада ўрта ҳисобда 20 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 45 центнергача ҳосил олдилар. Бу ишларнинг ҳаммасига область ёш техниклар станцияси раҳбарлик қилиб турди. Ёш пиллачилар, қуёш боқувчилар, сабзавотчилар, боғбонлар катта иш қилдилар. Навоий районидаги Ўшинский номли мактабнинг ўқувчилар бригадаси ўтган йили колхознинг 10 гектар ерига чигит экиб, гектаридан 40 центердан пахта ҳосили етиштирдилар.

Қизилтепа районидаги Горький номли мактабнинг ёш техниклари мактаб участкасига 960 туп мева дарахти кўчати ўтқаздилар, теплицада эса қиш вақтида бодринг ва помидор етиштирдилар.

Ҳар йили область бўйича ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик виставкаси ташкил этилади. Бу виставкада ўқувчиларнинг меҳнат соҳасида эришган ютуқлари намойиш қилинади. Яқинда ёш натуралистларнинг 5-область виставкаси очилди. Виставкага қўйилган ишлар 5 та зални эгаллади. Виставкага 555 экспонат қўйилди.

Ёш қурувчилар

Олтиариқ районидаги Пушкин номли ўрта мактабда ташкил қилинган қурилиш бригадаси самарали ишламоқда. Юқори синф ўқувчиларидан иборат бу бригада аъзолари теплица ва автогараж қурдилар. Ўқув ишхонасининг пойдевори қўйилди. Бригаданинг ишлаб чиқариш планида шу йил 4 хоналик бино қуриш ва мактабни капитал ремонтдан чиқариш белгиланган.

А. САЪДИЙ.

Ўқувчиларни меҳнатга ўргатишда турли темада ўтказилаётган сборлар ҳам катта роль ўйнамоқда. Бу сборларда «Шаҳримизни кўкаламзорлаштирамиз», «Пионер меҳнатни севади», «Фойдали қушларни кўпайтирамиз», «Гуллар кишининг бахрини очади», «Оқ олтин — катта бойлик» каби муҳим темалар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, ёш техниклар станциясида ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи деворий ва фотогазеталар чиқариб турилянти.

Биология ўқитувчиларига, пионер вожатийларига, тўгараклар-нинг раҳбарларига ёрдам тариқасида мактаб ва болалар уйларига турли хил инструктив-методик хатлар юборилмоқда. Бу ишлар болаларни меҳнатга ўргатишда катта фойда бераяпти.

А. ПРИГОНСИН,
республика ёш техниклар станциясининг методисти.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

НЕРУ БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 22 февраль. (ТАСС). Деҳли радиоси хабар беради: бош министр Неру бугун Ҳиндистон парламентининг халқ палатасида баёнот берди.

Неру Ҳиндистоннинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан сиёсатига ва Чжоу Энь-лайнинг Деҳлига таклиф қилинишига тўхталиб, мен Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри билан учрашишдан ҳеч қачон воз кечган эмасман, — деди. Неру бу учрашувни энг қулай вазиятда ташкил этишни истайман, — деб қайд қилди.

Неру АҚШ президенти Эйзенхауэр билан ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан олиб борган музокараларига ҳам тўхталиб ўтди. Неру ҳар иккала давлат арбоби Ҳиндистонга, Ҳиндистоннинг мақсад ва ниятларига дўстона қарашаётган озод Шарқ хотин-қизлари мардлигини гавдалантиришга интилади.

Қирғизистон меҳнаткашларининг, айниқса Ўш областининг пахтакорлари, чорвадорлари, интеллигентлари истеъдодли артистканинг хизматига юксак баҳо бердилар. Тожихон Ҳасанова Қирғизистон ССР Олий Совети депутатлигига икки марта сайланди.

Тожихон Ҳасанова ҳозир Ўш область Советининг депутати. Уни Фарғона водийсида ҳам тез-тез учратиб турасиз. 1958 ва 1959 йилларда Ўш область театри составида Фарғона водийсига гастролга келган Тожихон Ҳасанова ўзбек пахтакорларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Ўш область театрининг моҳир ва кекса санъаткорларидан бири Т. Ҳасанова ўз ижодий маҳоратини ёшларга қунт билан ўргатмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз Тожихон Ҳасанованинг санъат соҳасидаги хизматларига юксак баҳо бериб, уни икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

Ўш область жамоатчилиги Тожихон Ҳасанова ижодий фаолиятига 30 йил тўлган кунни нишонлади. Тожихон Ҳасанованинг киши қалбидан чуқур жой оладиган ёқимли қўшиқларини эшитган, саҳнадаги маҳоратини кўрган томошабинлар: «Тожихон — бизнинг Ҳалима, Қирғизистон булбули» деб бекорга айтмайдилар.

Ғ. ҚОСИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР СЎЗИ

ВАШИНГТОН, 22 февраль. (ТАСС). АҚШ президенти Эйзенхауэр кеча самолётда Латин Америкасига учиб кетиши олдидан ўз сафарининг мақсадлари тўғрисида радио ва телевидение орқали ахборот берди.

Президент бундай деди: «Халқаро вазият кескинлашган кунларда, давлатларнинг бир-бирига қарзмлиги ўсиб бораётганлиги сабабли шуҳратпарастлик интилишлари ва проблемалар пайдо бўлган кунларда яхши шериклар бир-бирларининг фикрини кўпроқ тушуниб олишлари ва умумий программани яхшилашлари лозим».

Шу муносабат билан у, Латин Америкаси давлатларининг Қўшма Штатлар фикрини «баъзан нотўғри англаётганликлари»дан таассуфланганлигини билдирди. Президент Латин Америкасида тарқалган фикрни, яъни Қўшма Штатлар машъум «коммунистик империализм хавфи» деган нарсага ҳаддан ташқари эътибор қилмоқда ва «Ғарбий ярим шарда ҳамкорлик ва тараққиёт вазифаларига эътибор бермаётир» деган фикрни бунга мисол қилиб келтирди. Эйзенхауэр Қўшма Штатларнинг сиёсати ҳақидаги ана шу танқидга жавобан бундай деб даъво қилди: «Бизнинг (яъни Қўшма Штатларнинг) мамлакат ичкарисидаги, шунингдек чет эллардаги ҳарбий программамиз ягона бир мақсадни — тинчликни сақлаш мақсадини кўзда тутади. Бу эса, биз учун қандай аҳамиятга эга бўлса, Латин Америкаси учун ҳам шундай аҳамиятга эгадир».

Эйзенхауэр сўзининг охирида қуйидагиларни айтди: Мен Латин Америкасининг давлат арбоблари билан музокаралар олиб борганимда ана шу мамлакатларга доир қуйидаги проблемаларни, чунончи «тараққиёт учун керакли капиталларнинг йўқлиги, экспорт қилинадиган моллар нархининг гоят ўзгариб туриши, меҳнат унумдорлигини ошириш ва янги кредитлар жалб қилиш учун умумий маҳаллий бозорларга эга бўлиш, соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой қурилиши ва транспортни яхшилаш зарурлиги каби» проблемаларни муҳокама қиламан.

Иғво тўхтатилсин

ПЕКИН. Синхуа агентлиги хабар беради: Қўшма Штатларнинг ҳарбий кемаси 21 февралда соат 8—11 минутдан соат 12 — 25 минутгача Фуцзянь вилояти районида Хитой Халқ Республикасининг территориал сувларида бўлган.

АҚШ нинг иккинчи ҳарбий кемаси соат 16—13 минутдан соат 19—08 минутгача шу райондаги Хитой Халқ Республикасининг территориал сувларида бўлган.

Шу куни соат 11 да АҚШ ҳарбий денгиз флотининг патруль самолёти Гуандун вилояти районида Хитой Халқ Республикасининг ҳаво чегараларини бузган.

АҚШ қуролли кучлари томонидан ана шу ҳарбий иғволар муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили жиддий огоҳлантириш учун вакил қилинган. (ТАСС).

Номаълум самолёт

НЬЮ-ЙОРК, 22 февраль. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг хабар беришича, номаълум самолёт 22 февралда Кохимар районида (Гаванадан жануброқда) Кубанинг ҳаво масофасига бостириб кирган ва бош министр Фидел Кастро резиденциясига яқин жойга бомбалар ташлаган.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

▲ **ВАШИНГТОН.** Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Эйзенхауэр 22 февралда Жанубий Америка мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнади. У, Бразилия, Аргентина, Чили ва Уругвайга боради.

▲ **Франциядаги жамоат фикри миллий институти томонидан ўтказилган сўраш маълумотларига қараганда, аҳолининг энг хилма-хил доираларини ташкил этувчи француз гражданларининг 72 проценти Жазоирнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш сиёсатини маъқуллайди, француз гражданларининг 75 проценти ўни мустамлакачи ташкилотлар ва группировкаларнинг жиноий игвогарлик фаолиятини тугатишни талаб қилмоқда.**

▲ **Эркин немис касаба союзлари бирлашмаси марказий правлениесининг президиуми (ОСНП) Германия Федератив Республикаси ишчилари ва касаба союз аъзоларининг касаллик бўйича страхованиени ислоҳ қилишга қарши кескин курашни табриклайди. Бу ислоҳ натижасида 1,3 миллиард марка меҳнаткашларнинг чўнтагидан тортиб олиниши ва бундесверни атом қуроли билан қуроллантиришга ҳаракат қилиниши керак. Президиум Германия Демократик республикасининг 6 миллион касаба союз аъзолари номидан Германия Федератив Республикаси меҳнаткашлари билан ўзининг тўлиқ бирдам эканлигини билдиради.**

▲ **Болгарияда меҳмон бўлиб турган Большой театрнинг солисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Артур Эйзен Софиядаги халқ операсида «Фауст» операсидаги Мефистофель ролини муваффақиятли равишда ижро этди.**

Таниқли совет ашулачиси Галина Олейниченконинг чиқишлари ҳам муваффақиятли суратда ўтмоқда.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30 — рус тилида «Ёшлар клуби» деган эшиттириш. 20.00 — Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари. Округ офицерлар уйидан олиб кўрсатилади.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/II да **Масҳарабозлар** ва концерт бўлими, 25/II да **Зайнаб ва Омон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/II да **Фурқат**, 25/II да **Оқпадар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/II да **Ошиқ Ғариб**, 25/II да **Раис уйланармиш**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 24/II кеч соат 8 яримда Ўзбек давлат филармонияси **халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти**.

26/II кеч соат 8 яримда **Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа**. Артист **Нина ва Александр Капитановлар** иштирокида янги аттракцион «Чанғалзордаги ҳодиса», Томоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНО

Ҳўрланганлар (кенг экранли янги фильм, 1-серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечкурун).

Сени излайман — «ИСКРА» «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Аччиқ севги — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Бой ила хизматчи—НАВОИЙ номли (кеч соат 5 да ўзбек тилида).

Қайноқ қалб — «СПУТНИК» (1-зала), «ЁШ ГВАРДИЯ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Маймоқ дўст — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда), «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечкурун).

Вена устида баҳор шамоли (кундуз соат 12 ва 2-40 минутда), «Оқ қуш кўли» балети (кундуз 1-10, 4-20 ва кеч 9 яримда)—КИНОЛЕКТОРИЙ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226. Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455. Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780. Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р 02572. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. № 46.